

ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИНИ ЮРИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ўқув-услубий мажмуа

2022

“ТИҚХММИ” МТУ ҳузуридаги
ПКҚТ ва УМО тармоқ маркази



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Давлат кадастрларини юритишда инновацион
технологиялар”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент – 2022



Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: “ТИҚХММИ” МТУ доценти.,и.ф.н., Қ.Р.Раҳмонов

Такризчи: “ТИҚХММИ” МТУ, Геодезия ва геоинформатика кафедраси доценти, т.ф.н. И.М.Мусаев

Ўқув - услубий мажмуа Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти кенгашининг 2021 йил 23-декабрдаги 12-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.



МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	9
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	205
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	66
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	67
VI. ГЛОССАРИЙ.....	68
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	73



І. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3702-сонли Қарорида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилга ривожлантириш концепциясида кўрсатилган устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни бевосита мадака оширишни ўзида мужассамлаштирган ҳолда педагогнинг профессионал фаолиятидаги инновациялар, педагогнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Давлат кадастрларини юритишда инновацион технологиялар

“Давлат кадастрларини юритишда инновацион технологиялар” **модулининг мақсад ва вазифалари:**

Мақсади: педагог кадрларга бугунги рақамли иқтисодиёт шароитида дунёда ва мамлакатимиздаги ер кадастрини юритишда янгича креатив ёндашувлар асосида шаклланган билим, кўникма ва малакаларни хориж тажрибаларга таянган ҳолда бойитишга эришиш.

Вазифаси: ер кадастрини юритишда янгича креатив ёндашувларни рақамли иқтисодиёт билан тўғридан тўғри боғлайдиган ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланиш, илғор хориж тажрибаларни тадқиқолиш натижасида уларни тушуниш ва етказишдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникмас, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Давлат кадастрларини юритишда инновацион технологиялар” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қора Қалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман(шаҳар)лар Давлат ҳокимият органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатларини;

далат кадастрлари ягона тизимини юритиш ва ахборотларни истемол-чиларга етказиш тартибларини ;



давлат кадастрларини юритишда инновацион технологияларни тадбиқ қилиш ва ахборот тизимини шакллантириш усулларини **билиш**.

Тингловчи:

давлат кадастрларини юритишда инновацион технологияларни;
далат кадастрлари ягона тизимини юритиш ва ахборотларни истемолчиларга етказиш тартибларини белгиловчи услубларни тадбиқ этишга оид муаммоларни мустақил ечиш **малакасини** эгаллаши зарур.

Тингловчи:

давлат кадастрларини юритишда инновацион технологияларни;
далат кадастрлари ягона тизимини юритиш ва ахборотларни истемолчиларга етказиш тартиблари ижросини ва тизимдаги инновацион ўзгаришларни амалиётга тадбиқ этиш **кўникмаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш ва ахборотларни истемолчиларга етказиш тартибларини жорий қилиш ;
давлат кадастрлари ахборот таъминотини мақсадли дастурини яратиш ва тадбиқ этиш истикболларини ишлаб чиқиш, кадастр маълумотларини шакллантириш бўйича **компетенцияларга** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Давлат кадастрларини юритишда инновацион технологиялар” курси маъруза, амалий ва кўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий инновацион усуллари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик материалларидан;

-ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерфаол таълим усулларида фойдаланиш назарда тутилади.

Модулининг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Давлат кадастрларини юритишда инновацион технологиялар” модули бевосита малака ошириш йўналишидаги куйидаги: педагогнинг профессионал фаолиятидаги инновациялар, педагогнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини шакллантириш ва махсус фанлар модуллари билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модул педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини яратиш ва улардан таълим тизимида фойдаланиш орқали таълимни самарали ташкил этишга ва сифатини тизимли орттиришга ёрдам беради.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Ҳаммаси	Масофавий	Аудитория	жумладан		
					назарий	амалий машғулот	кўчма машғулот
1.	1-Мавзу: Ўзбекистон Республикасида давлат кадастрларини яратиш ва юритиш, хорижий мамлакатлар тажрибаси.	6		6	2	2	2
2	2- Мавзу Давлат кадастрлари ягона тизимини (ДКЯТ) яратиш ва юритиш, маълумотлар тематик қатламларини тузишда инновацион тенологиялар.	8		8	4	2	2



3	3- Мавзу: Давлат кадастрлари ягона тизимига тақдим этиладиган маълумотлар таркиби.	4		4	2	2	-
	Жами:	18		18	8	6	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Ўзбекистон Республикасида давлат кадастрларини яратиш ва юритиш, хорижий мамлакатлар тажрибаси. Давлат кадастрларини юритишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари. Давлат кадастрларининг ягона тизимини ташкил этиш ва уни юритиш вазифалари. Ягона услубият асосида кадастр объектларини ҳуқуқий ҳолатлари, миқдорлари ва хусусиятлари тўғрисидаги зарурий маълумотларни тўплаш услублари. Давлат кадастрлари хизмат тизими ва вазифалари. Табиий ресурслар (ер, сув, ўрмон, фойдали қазилмалар, алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар)ни ягона кадастрлар тизимидаги ўрни ва уларни юритиш хусусиятлари.

2-мавзу: Давлат кадастрлари ягона тизимини (ДКЯТ) яратиш ва юритиш, маълумотлар тематик қатламларини тузишда инновацион тенологиялар. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман(шаҳар)лар миқёсида давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш тартиби, Электрон дастур ва хариталар ёрдамида маълумотларни йиғиш, тизимлаш, таҳлил қилиш, гуруҳлаш, уларни ҳаққонийлигини назорат қилиш ва истемолчиларга етказиш жараёнлари.

3-мавзу: Давлат кадастрлари ягона тизимига тақдим этиладиган маълумотлар таркиби. Вазирлик ва давлат қўмиталари таркибидаги кадастр хизматлари ташкилотларида ахборот тизимларини шакллантириш муаммолари. Давлат кадастр турларини юритишга оид техник воситалар ва электрон дастурлардан фойдаланиш, меъёрлаш, ахборотларни шаффофлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш ҳамда назорат қилиш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-Амалий машғулот. Давлат кадастрлари ягона тизими(ДКЯТ)ни жорий қилиш алгоритми.

ДКЯТ ахборот таъминоти услубларини тадбиқ қилиш. ДКЯТ ахборот базасининг намунавий алгоритминини ишлаб чиқиш. Маълумотлар банкининг таркиби.

2-Амалий машғулот. Табиий ресурслар кадастрлари маълумотларни шакллантириш методикаси.

Кадастр турлари бўйича ер участкалари ва табиий ресурслар тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш. Ахборотларни йиғиш, тизимлаш, таҳлил қилиш ва етказиш услубларин қўллаш.

3-Амалий машғулот. Чизикли турдаги давлат кадастрларини юритиш хусусиятларини аниқлаш.

Автомобил ва темир йўллари, транспорт қувурлар, энелетик ва алоқа объектлари кадастрлари маълумотларини йиғиш, тизимлаш, таҳлил қилиш ва етказиш услубларин қўллаш.

Кўчма амалий машғулотлар (4 соат). Давлат кадастрлари ягона тизимида ахборотлар базасини яратиш ва таъминоти масалаларини бевосита ишлаб чиқариш корхоналарида ўрганиш.



ДКЯТ ахборот таъминоти масалаларини ўрганиш. “Давлат кадастрлари, геодезия ва картография” миллий марказида ДКЯТ билан танишиш. ДКЯТ таркибига кирувчи турлари бўйича маълумотларни йиғиш, тизимлаш, таҳлил қилиш ва етказиш услубларини ўрганиш ва таҳлил қилиш кўникмаларини яратиш. Кўчма машғулоти «Давлат кадастрлари, геодезия ва картография» миллий марказида ўтказилади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модулни ўқитишда қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далилларни тақдим эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).



II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Рақамли ДҚЯТни юритишда инновацион технологияларни жорий қилиш усуллариининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Диспозитив усулнинг афзаллик томони	ДҚЯТни юритишда объектларни миқдор ва сифат кўрсаткичларини тизимлаш алгоритмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.
W	Диспозитив усулнинг камчилик томонлари	Худудлар давлат кадастрини юритишни туманларда тўлиқ жорий қилиш ва мутахассислар малакасини ошириб бориш курсларини очиш.
O	Диспозитив усулнинг имкониятлари	Шаффоф, аниқ ва ишончли ахборотлар олиш имкониятлари яратилади.
T	Тўсиқлар (ташқи)	Диспозитив усулни қўллаш учун молиявий харажатлар талаб қилинади.

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:



Ф	•фикрингизни баён этинг
С	•фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	•кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	•фикрингизни умумлаштиринг

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тез ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Рақамли ер кадастрини юритиш учун чегара белгиларини ўрнатиш амлдаги услубларга нисбатан афзал туради”.

Топишириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу методмураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.



Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдиротларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзуюқунланади.

Намуна:

Ер кадастри ахборотларини тизимлаш усуллари			
Императив усул		Диспозитив усул	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш



4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	якка ва гуруҳда ишлаш; муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; яқуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш
---	---

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгилаш (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- ДҚЯТизимини тўлиқ ишга тушириш учун бажариладагин ишлар кетма-кетлигини белгилаш (жуфтликлардаги иш).

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

-ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

-янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

-таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали фойдалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгилаш вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.



“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: Тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

“ДКЯТизимидаги маълумотлар кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!”



“Брифинг” методи

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

Такдимот қисми.

Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг яқунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Тингловчилар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг такдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.



“Davlat kadastrlari asoslari” fanidan test savollari.

№1.

Manba: Yer kadastrı. A.Bobojonov, Q.Raxmonov, A. G’ofirov I BOB. 1-§.
Qiyinchilik darajasi-1

Yer kodeksi nechta moddadan iborat:
91
94
92
95

№2.

Manba: Davlat kadastrlari asoslari. Q.Raxmonov, B.Uspankulov I BOB. 1-§.
Qiyinchilik darajasi 1

Kadastr so‘zi nimani bildiradi
Ro‘yxatga olish
Yer o‘lchash
Yer tuzish
Yer bo‘lish;

№3.

Manba: Yer kadastrı. A.Bobojonov, Q.Raxmonov, A. G’ofirov I BOB. 1-§.
Qiyinchilik darajasi 1

Obyektning miqdor va sifat jihatdan baholash bu nima
Kadastr
Yer ajratish
Yer tuzish
Yer tuzishni loyhalash

№4.

Manba: Yer kadastrı. A.Bobojonov, Q.Raxmonov, A. G’ofirov I BOB. 1-§.
Qiyinchilik darajasi 1

Yer kadastrı hujjatlarining qanday turlari mavjud.
Tekst va plan-xarita
Asosiy va joriy
Tuproq banitirovkasi va iktisodiy baxolash
Birlik va qonuniylik

№5.

Manba: Yer kadastrı. A.Bobojonov, Q.Raxmonov, A. G’ofirov I BOB. 2-§.
Qiyinchilik darajasi 1

Yer uchastkasi, bino, inshootga tegishli O‘zbekiston Respublikasida takrorlanmaydigan raqam bu-
Kadastr raqami
Yer uchastkalarining tartib raqami



Yerdan foydala-nuvchining yer uchastkasini olish vaqtidagi navbatdagi raqam

Maxsus kod raqami

№6.

Manba: Davlat kadastrlari asoslari. Q.Raxmonov, B.Uspankulov I BOB. 1-§.

Qiyinchilik darajasi 1

O‘zbekiston Respublikasida Davlat kadastrini tarkibidagi eng muhim rivojlangan kadastr:

Davlat yer kadastrini.

Bino va inshootlar davlat kadastrini.

Avtomobil yo‘llari davlat kadastrini.

Temir yo‘llar davlat kadastrini.

№7.

Manba: Davlat kadastrlari asoslari. Q.Raxmonov, B.Uspankulov I BOB. 1-§.

Qiyinchilik darajasi 1

Davlat kadastrlari yagona tizimi qanday axborot tizimi hisoblanadi:

Ko‘p maqsadli axborot tizimi

Bir maqsadli axborot tizimi

Faqat huquqiy maqsadlarni hal etuvchi axborot tizimi

Faqat fiscal masalalarni qamrab oluvchi axborot tizimi

№8.

Manba: Yer kadastrini. A.Bobojonov, Q.Raxmonov, A. G‘ofirov I BOB. 2-§.

Qiyinchilik darajasi-1

1998 yil 30 aprelda qaysi hujjat qabul qilingan:

Yer kodeksi

Soliq kodeksi

Fuqarolik kodeksi

Oila kodeksi

№9.

Manba: Davlat kadastrlari asoslari. Q.Raxmonov, B.Uspankulov I BOB. 1-§.

Qiyinchilik darajasi 1

Bino va inshootlar davlat kadastrini yuritish mazmuni

Bino va inshootlarga bo‘lgan huquqlarni davlat ro‘yxatidan o‘tkazish, miqdor va sifat holatini aniqlash va baholash

Binolarga bo‘lgan huquqlarni davlat ro‘yxatidan o‘tkazish, miqdor va sifat holatini aniqlash va baholash

Inshootlarga bo‘lgan huquqlarni davlat ro‘yxatidan o‘tkazish, miqdor va sifat holatini aniqlash va baholash

To‘g‘ri javob yo‘q

№10.

Manba: Yer kadastrini. A.Bobojonov, Q.Raxmonov, A. G‘ofirov I BOB. 2-§.

Qiyinchilik darajasi-1

Yer kadastrini ma‘lumotlari dastlab qayerda shakllantiriladi



Tumanda
Viloyatda
Respublikada
To'g'ri javob yo'q

№11.

Manba: Yer kadastri. A.Bobojonov, Q.Raxmonov, A. G'ofirov I BOB. 2-§.
Qiyinchilik darajasi-1

Servitut nima?
O'zganing yer uchastkalaridan cheklangan tarzda foydalanish huquqi
Qo'shni bo'lgan yer uchastkalari
Qishloq xo'jalik yerlaridan foydalanish
O'zga yerdan foydalanuvchilar

№12.

Manba: Yer kadastri. A.Bobojonov, Q.Raxmonov, A. G'ofirov I BOB. 1-§.
Qiyinchilik darajasi-1

O'zbekiston Respublikasining Yer kodeksi necha bobdan iborat.
14
16
13
11

№13.

Manba: Davlat kadastrlari asoslari. Q.Raxmonov, B.Uspankulov I BOB. 2-§.
Qiyinchilik darajasi 1

Qazilma boyliklar davlat kadastri yuritish mazmuni
Qazilma boyliklar miqdor va sifat jihatdan baholash
Yerlarni miqdor va sifat jihatdan baholash
Qazilma boyliklarni nazorat qilish
Qazilma boyliklarni qazib olish

№14.

Manba: Yer kadastri. A.Bobojonov, Q.Raxmonov, A. G'ofirov I BOB. 2-§.
Qiyinchilik darajasi-1

Yer kadastrining joriy axboroti nima?
Davlat yer kadastri ma'lumotlarini qayta ro'yxatdan o'tkazish yoki o'zgartirish jarayonida olingan ma'lumotlar
Kundalik olinayotgan axborotlar
Tuman bo'limlarining oylik hisobotlari
Yillik ro'yxatga olish hisobotlari

№15.

Manba: Yer kadastri. A.Bobojonov, Q.Raxmonov, A. G'ofirov I BOB. 2-§.
Qiyinchilik darajasi-1

Yerlarni xususiylashtirish nima?
Jismoniy shaxslar va nodavlat yuridik shaxslar tomonidan yer uchastkalarini davlatdan xususiy mulk qilib sotib olish
Jismoniy shaxslar va nodavlat yuridik shaxslarning yer egaligi
Yerlarni ijaraga berish



Yerni oldi-sotdi qilish

№16.

Manba: Yer kadastri. A.Bobojonov, Q.Raxmonov, A. G'ofirov I BOB. 3-§.

Qiyinchilik darajasi-1

Kadastr zo'nasi nimaga bo'linadi:

Massivga

Mavzega

Yer uchastkasiga

Mintaqaga

№17.

Manba: Yer kadastri. A.Bobojonov, Q.Raxmonov, A. G'ofirov II BOB. 2-§.

Qiyinchilik darajasi-1

Kadastr massivi nimaga bo'linadi:

Mavzega

Yer uchastkasiga

Zonaga

Mintaqaga

№18.

Manba: Davlat kadastrlari asoslari. Q.Raxmonov, B.Uspankulov II BOB. 2-§.

Qiyinchilik darajasi 1

Bino va inshootlar davlat kadastri axborotlarini shakllantirish necha bosqichda amalga oshiriladi:

3

2

5

7

№19.

Manba: Yer kadastri. A.Bobojonov, Q.Raxmonov, A. G'ofirov I BOB. 1-§.

Qiyinchilik darajasi-1

1998 yil 28 avgustda qaysi qabul qilingan

Davlat yer kadastri to'g'risidagi qonun

Yer monitoring to'g'risidagi qonun

Suv xo'jaligi to'g'risidagi qonun

O'rmon xo'jaligi to'g'risidagi qonun

№20.

Manba: Davlat kadastrlari asoslari. Q.Raxmonov, B.Uspankulov I BOB. 1-§.

Qiyinchilik darajasi 1

1996 yil 17 iyulda nima qabul qilingan

Davlat kadastrlari yagona tizimi

Davlat yer kadastri to'g'risidagi qonun

Yer monitoring to'g'risidagi qonun

Yer kodeksi



№21.

Manba: Yer kadastrı. A.Bobojonov, Q.Raxmonov, A. G'ofirov I BOB. 2-§.
Qiyinchilik darajasi-1

Yer uchastkasiga bo'lgan huquqni ro'yxatga olish majburiymi.
Majburiy
Ixtiyoriy
Shart emas
Yerdan foydalanuvchining ixtiyorida

№22.

Manba: Davlat kadastrlari asoslari. Q.Raxmonov, B.Uspankulov III BOB. 2-§.
Qiyinchilik darajasi 1

Davlat suv kadastrini yuritish mazmuni va mohiyati
Suv fondi ob'yektlarini miqdor va sifat ko'rsatkichlarini aniqlash va baholash
Yer fondi ob'yektlarini miqdor va sifat ko'rsatkichlarini aniqlash va baholash
Yer resurslarini miqdor va sifat ko'rsatkichlarini aniqlash va baholash
Suv fondi ob'yektlarini miqdorni aniqlash

№23.

Manba: Yer kadastrı. A.Bobojonov, Q.Raxmonov, A. G'ofirov II BOB. 2-§.
Qiyinchilik darajasi-1

Mintaqalarga qanday hududlar kiradi.
Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahri
Tumanlarva ulardagi yerdan foydalanuvchilar
Qishloq xo'jalik korxonasi va tashkilotlar egallagan yer maydonlari
Respublikadagi har bir tuman hududi

№24.

Manba: Yer kadastrı. A.Bobojonov, Q.Raxmonov, A. G'ofirov I BOB. 1-§.
Qiyinchilik darajasi-1

Kadastr qanday yo'nalishlar bilan uzviy bog'liq:
Geodeziya va kartografiya
Suv xo'jaligi
Qishloq xo'jaligi
Iqtisodiyot

№25.

Manba: Davlat kadastrlari asoslari. Q.Raxmonov, B.Uspankulov IV BOB. 1-§.
Qiyinchilik darajasi 1

O'rmon kadastrini yuritishning mazmuni va mohiyati
O'rmon fondi yerlarini miqdor va sifat jihatdan baholash
Ormon hududlarini miqdorini aniqlash
O'rmon fondida mavjud ko'p yillik daraxtzorlar sifatini aniqlash
O'rmon hududidagi yerlarni nazorat qilish



III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР



1-мавзу: Ўзбекистон Республикасида давлат кадастрларини яратиш ва юритиш, хорижий мамлакатлар тажрибаси.

Режа:

1.Ўзбекистон Республикасида давлат кадастрларини яратиш ва юритиш.

2.ДКЯТни жорий қилишда хорижий мамлакатлар тажрибаси.

Таянч иборалар: ДКЯТ, кадастр,,ер участкаси, бозор иқтисодиёти, ердан фойдаланувчи субъект, кадастр объектлари, кўчмас мулк объекти, ер кадастри, ер баҳолаш, кадастр рақами, табиий ресурслар кадастрлари,чизиқли турдаги кадастр объектлари, электрон харита,электрон дастур, алгоритм.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг ривожланишни ҳисобга олиб, табиий ва хўжалик ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда ҳудудларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятини мажмуавий таҳлил қилиш ва баҳолаш энг зарур масалалардан бири ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётининг асосий элементларидан ҳисобланган кадастр тизими Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг асосий тамойилларига ва мазмунига тўла мувофиқ келади. Бугунги кунда иқтисодий соҳалардаги ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Давлат кадастрларини яратиш ва юритиш услубиёти, илмий томоийлларини ва концепциялари Давлат кадастрини юритувчи масъул вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоролар томонидан белгилаб берилган.

Республикада ер, конлар, фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари давлат кадастри; давлат сув кадастри; давлат ўрмон кадастри; кўриқланадиган табиий ҳудудлар давлат кадастри; бинолар ва иншоотлар давлат кадастри; гидротехника иншоотлари давлат кадастри; маданий мерос объектлари давлат кадастри; автомобиль йўллари давлат кадастри; темир йўллар давлат кадастри; алоқа объектлари давлат кадастри; энергетика объектлари давлат кадастри; чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри; табиий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри (хавфли геологик жараёнлар бўлими) картография-геодезия ва ҳудудлари давлат кадастрлари ташкил этилиб масъул давлат органлари зиммасига юклатилган.

Давлат кадастрлари маълумотлари асосида географик ахборот тизими қатламлари яратилиб, ушбу ахборотлар базаси вазирликлар, давлат кўмиталари, маҳаллий ҳокимият, солиқ органлари юридик ва жисмоний шахслар учун зарурий маълумотларни олишга хизмат қилади.Бу ўринда давлат ер кадастри маълумотлари алоҳида муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу ўқув услубий модул ”Ер кадастри ва ердан фойдаланиш” соҳасида ОТМлар



профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тингловчилари учун тайёрланган. Давлат кадастрларини яратиш ва юритиш соҳосида ортирилган кўп йиллик тажриба ва йиғилган материалларни ўрганиш натижалари ҳисобланади. Ҳуқуқ қўлланмани нашр этишдан мақсад Республикамизда Давлат кадастрларини яратиш ва юритишнинг норматив ҳуқуқий базаси тўлиғича ташкил этилган бўлсада бу жараён бўйича тизимли таълим бериш учун дарсликлар, услубий қўлланмалар ва бошқа ҳуқуқ материаллари ишлаб чиқиш йўлга қўйилмаган. Шу сабабдан Республикамизда Давлат кадастрларини яратиш ва юритишни мукамал таърифлаб бера оладиган ҳуқуқ қўлланмаси яратишни мақсад қилиб қўйдик.



1-мавзу ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА ЮРИТИШ

1.1 Кадастр ишларининг ривожланиш тарихи

Ҳозирги вақтда кадастр жаҳондаги барча мамлакатларда юритилмоқда, у табиий ресурслардан фойдаланишни, муҳандислик фаолиятини, экологик, ижтимоий ҳодисаларни ҳисобга олиш, ҳолатини баҳолаш, тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Кадастр ўз шароити билан бир хил бўлган ҳудудий бирликларни ажартишга, уларни картага тушириш, сифат ва миқдор тавсифларидан фойдаланган ҳолда тарифлашга мўлжалланган.

Шуниси аҳамиятлики хорижий мамлакатлар тажрибасида **кадастр** тушинчасини кўп ҳолларда **кўчмас мулк** тушунчаси билан боғлашади. Шунинг билан биргликда **кўчмас мулк** деганда куйидагилар тушинилади: ерга мустаҳкам боғланган (боғлик) сони ва қиймати тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган, ер участкаларга ва бошқа кўчмас мулкларга бўлган мулкчиликни **умумий хатга олиш** (рўйхатга олиш).

“Кадастр” сўзи бутун дунёга тарқалган бўлиб, фақат Скандинавия давлатлари унинг ўрнига “Реестр” сўзидан фойдаланишади.

“Кадастр” сўзини келиб чиқишини этимолог-олимлар ҳар хил тушунтиришади. Масалан, француз этимологи Блондхейм “кадастр” сўзи грекча “катастикон” сўзидан келиб чиққан бўлиб “ёзув дафтари” деган маънони билдиради деб ҳисоблайди. Бошқа олим, Добнер (1892 й.) “кадастр” сўзини ўрта аср латин сўзи



“капिताструм” билан боғлайди, бу сўз иккита сўздан “капитум” ва **региструм**” сўзларининг қўшилишидан ташкил топган бўлиб, бўлинган рим вилоятлари худудларни баҳолаш бирлиги “**реестри**” деган маънони беради.

Блондхеймнинг таърифи 1185 йилда ёзилган венеция ҳужжатларига асосланган бўлиб, ҳақиқатга ёқинроқ деб тан олинади. 1985 йилда кадастр ва ер ахборотлари ҳалқора экспертлар гуруҳи кадастрга кенгирок умумлаштирилган таъриф беришди.

Кадастр – бу давлат томонидан ерга бўлган мулкчилик маълумотларини услубий жихатдан тартибга солиш учун аниқ бир давлат ёки туман миқёсида мулкчилик участкалари чегараларини съёмка қилиш натижасига таянган ҳолда ҳисобга олиш.

Хар бир мулкка аниқ тартиб рақми берилади – идентификатор. Мулкчилик чегаралари ва тартиб рақами одатда катта масштабли карталарда акс этдирилади. Кадастр билан “Кадастр съёмкаси” атамаси чамбарчас боғлиқ бўлиб, у кўчмас мулк участкаларининг чегаралари съёмқасини билдиради. Кадастр тушинчаси ер участкаларидан солиқ олиш, мулккий ва юридик ҳуқуқларини рўйхатдан ўтказиш учун керакли бўлган тизимли маълумотларни ўз ичига олади. Ташкил этилиш мақсадига мувофиқ тури ва таснифига қараб кадастр хар хил маънога эга бўлади.



Кадастр тўғрисида қуйидаги тушинчалар ҳам мавжуд: бир хил кўринишдаги кадастр, қайсики битта объект тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади (*қурилма, том,*



водопровод, квартира ва х.к.); кўп хил кўринишдаги кадастр, қайсики бир хил турдаги бир нечта объектлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади (муҳандислик инфраструктураси кадастри, табиий ресурслар кадастри, ижтимоий ходисалар кадастри ва х.к.).

Худудий принципларга мувофиқ кўп хил кўринишдаги кадастр учта даражада юритилади: Давлат даражасида – умумдавлат бошқаруви

манбайи сифатида мамлакатнинг барча худудини қамраб олади. Давлат регионлари бўйича – аниқ бир вилоят (штат, край) худудини қамраб олади. Давлат худудий бўлинмалари бўйича – туман (шаҳар) худуда жойлашган, кадастр ҳисобига олинган барча объектлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Кадастрнинг замонвий тушинчаси, узоқ давр тарихий жараёнларнинг натижаларини ўз ичига қамраб олган. Ўтган давр кадастри фаолиятини таҳлил қилиш ва уни бугунги кунда яхшироқ ташкил этиш ҳамда ишонч билан кадастрнинг келажagini кўз олдимишга келтириш имкониятини яратади. Антик даврлардан бошлаб ҳар хил давлатларда фуқораларга ерга эгалик қилишни кафолатлаш зарурияти ва солиқ олишни таъминлаш ер кадастрини яратиш ва юритишга асос солди. Масалан, ўтказилган археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики: бизнинг эрамыздан 4000 йил олдин аллақочон Холдееда кадастр мавжуд бўлган – лойдан ясалган тахтачаларга миҳхатда (клинописда) ер участкаси туширилган, томонлари ўлчамлари ва майдони кўрсатилган.

Эрамыздан 3000 йил олдин Мисрликлар томонидан кадастр съёмкаси ўтказилган. Бу ишлар натижасида ишлаб чиқиладиган ер участкасининг чегаралари ўрнатилган, ер тўғрисидаги батафсил маълумотлар, ер участкасининг чегараси ва майдони, эгалик қилувчиларнинг номларини ҳисобга олган ҳолда рўйхатга олинган. Кейинчалик (бизнинг эрамыздан 1700 йил олдин) **Мисрда** янги съёма ўтказилган, бундан мақсад ерни тақсимлаш ва кўчмас мулкдан солиқ олишни амалга ошириш бўлган. Олинган доромоднинг 1/5 қисми солиқ сифатида тўланганлиги аниқланган, бу миқдорга бизнинг давримизгача амал қилиниб келинган. Бундай яндошув тўрт минг йилдан ортиқ давр мавжуд бўлган, кейинчалик XX асрда у мукамаллаштирилган.



Тахминан эрамиздан 600 йил олдин мавжуд бўлган *Грециядаги* жамият тузилиши бир қатор қонунларга асосланган бўлиб, бу қонунлар кичик ер эгаларининг қарзларга ботиши, ўзлари эгалик қилаётган ерларини йўқотишгача олиб келди. Эрамиздан 594 йил олдин мақсадли кадастрга тайянган Солона қонунчилиги жамиятда тартибни қайта тиклаша мувофиқ бўлди, кўчмас мулк бўйича қаризлар бекор қилинди, қулчилик қаризлари ва катта-катта ер майдонларга (бўшлиқларига) эгалик қилишни бекор қилди. Фискал солиғини олишни кафолатлаш мақсадида ерни қайта тақсимлаш ўтказилди.

Римда биринчи кадастр эрамиздан олдин VI асрда Серви Тулли томонидан ташкил этилган бўлиб “Табулес цензуалес” деб номланган. Бу кадастрда сьмка кўчмас мулкнинг периметри бўйича олиб борилган, ер турининг таркиби, унга ишлаб бериш, сифати ва ҳосилдорлиги ҳисобга олинган ҳолда солиқ миқдори белгиланган. Сьёмка маълумотлари мулк эгаларининг сўзларидан олинган, агар маълумотларнинг тўғрилигига шухба тўғилса ер ўлчавчи тайинланиб у томонидан текширув ўтказилган. Кўчмас мулк майдони вақтга, уни шудугор қилиш учун сарфланган қўш хўккиз сонига ёки экиш учун керакли бўлган уруғлик миқдорига қараб баҳоланган.

Буюк Карл дарида кўчмас мулкка солиқ жорий этилган бўлиб у **ушр** (*даромаднинг ўндан бири миқдори*) сифатида маълум. Аммо бундай солиқларни йиғиш кадим замондаги рим китобларидаги ёзувларга асосланган бўлганлиги сабабли, самарасиз бўлган. Феодализм даврида эрамиздан олдинги 900 йилдан 1200 йилгача сюзеренлар ва руҳонилар кўчмас мулкка бўлган эгаликни ҳужжат имзолаш орқали рўйхатдан ўтказишни қўллаб қуватлашган.





Италияда 1160 йилларда фискал мақсади билан ер кадастри ташкил этилган. Миланда 50 йил давомида (1260-1310 йиллар) кадастр съёмкалари ўтказилган, ammo съёмка натижаларидан солиқ олиш тизимини ўрнатиш учун маълумотлар олинмаган.

Англияда биринчи кадастр 1066 йилларда ташкил топган саналади, унинг мақсади кўчмас мулкка солиқ белгилаш бўлган. Бу

кадастр халқ томонидан “Барчанинг умумий суд куни китоби” (“*Domesday book*” ёки “*Книга Дня Всеобщего суда*”) деб номланган, модомики кимдир солиқ идораларини алдаган бўлса, оқибатда унга қарши жазо қўлланиши мумкин бўлган.

Францияда биринчи кадастрларнинг маълум бўлиши 1269 йил саналади. Дастлаб “Ҳисоблар китоби” деб номланган кадастр мувофақиятга эриша олмади. Фақат Луи XIV даврида унга тегишли бўлган “*Табақасидан қатий назар кадастр одамларни тенглаштириши керак*” деган машхур сўзидан кейин французлар кадастр съёмкаси асосида фискал тизимини мувофақиятли тадибиқ эта олишди.

Янги эра йилларида ишлаб чиқилган асбоблар ва усуллар кадастр учун суъратга



олишга сезиларли даражада таъсир кўрсатди. 1608 йил Галилсо Галилей томонидан 100 баравар катталаштирилган телескоп кашиф этилди. 1590 йилда Австриялик математик Ян Притериус «Мензула Преториани» номи билан замоновий планшет тайёрлади. 1615 йилда Голландеялик Снел-Лиус триангуляцияни топографияда

қўллашусулини нашир этди. 1730 йил биринчи теодолит кашф этилди.

Кадастр турларини ривожланишида Франция кадастри алоҳида ўринга эга деб ҳисобланади. 1801 йилларда Наполеон Франция худудида кўчмас мулкка солиқнинг адолатли тақсимлашни ўрганиб чиқиш учун комиссия тузди. Ундан олдин 1800 та алоҳида худудларда кадастри учун суъратга олиш





ишлари ўтказилди. Ўтказилган ишлар натижасида ҳисобланган солиқ миқдорини бошқа ҳудудларда ҳам таққослаш усули билан қўллаш кўзда тутилган эди, ammo олинган натижалар қониқарсиз бўлиб чиқди, натижада бутун Франция ҳудудини кадастр суъратига олиш лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу сабабли 1814 йилгача 12 миллион гектар ҳудудда 36 миллион объектларда, 9 минг ҳудудий округларда съёмка ишлар ўтказилди. Кадастр учун суъратга олиш асосан фискал ва юридик характерда ўтказилди.

Бу вақтга келиб турли мамлакатлар кадастр учун суъратга олишни бошлаб юборишди. Филип 11 подшоҳлиқ даврида Испанияда биринчи маратоба кўчмас мулкни баҳолаш бўйича статистик ишлари ўтказилди. Шунинг билан биргаликда оппозициядаги йирик латифундистлар фискал тизимини самарали қўллаш имкониятини бермади. Ўрта асрда кадастр учун суъратга олиш ва ер кадастрини юриштининг асосий тамоиллари Рим империяси дваридаги кадастр ишларидан камдан-кам фарқ қилар эди (ерлар арқон ёки *жезла* ёрдамида тўғри чизиқли ўлчанган, геомертик билимлар ва ҳисоблашлардан бўш фойдаланилган), 1718 йилга келиб Миланлик Джованни Джакомо Мариони қаттиқ илмий усулларга риоя қилинган ер участкаларнинг чегараларини триангуляция усулида ва полигонометрик тармоқ билан аниқлашга асосланган биринчи кадастрни ишлаб чиқди.

Бу кадастр ҳужжати сифатида мензуладан фойдаланиб 1:2000 масштабда бажарилган барча қишлоқ жамоалари мухут (ситуационные) карталари ҳисобланган. Картада алоҳида жамоаларнинг эгалигидаги ер участкалари (парцеллар), шунинг билан биргаликда эгаликнинг майдони, тупроқ тури, олинаниган соф фойда кўрсатилган, бу маълумотлар солиққа тортиш учун асос бўлиб ҳисобланган. Бу кадастри ўзининг сифати ва аниқлиги туфайли *Милан* кадастри деб ном олган, 1760 йил 1 январдан бошлаб кучга киритилган ва XIX асрда Франция, Бельгия, Австрия, Голландия, Швейцария кадастрларини ишлаб чиқиш учун наъмуна ҳисобланади.

Россияда кадастр тўғрисидаги биринчи маълумотлар X асрларга тегишли бўлиб, ерни баҳолаш ва ер солиғини йиғиш билан боғлиқ бўлган, 1483 йилда Псковда Святогорский монастири учун ер ажратиш ишлари картографик асосда чегара белгиларини ўрнатиш тартибида бажарилганлиги тўғрисида ҳукукий эслатмалар мавжуд. Россияда ер кадастри картографик материаллари ерларни тарифлаш, йиғилган ёзувлар, кузатишлар, назорат, чегара белгиларини ўрнатиш (межевых) китоблари ва жойида ўтказилган (натурада) ер ўлчав ишлари натижалари асосида тузилган.

Ер ўлчав ишлари чегара чизиқларининг узунлигини ўлчашдан иборат бўлган “*мерной вервью*” (узунлиги 80, 40, 20 саженга тенг арқон, 1 сажен 2,1336 метрга тенг



бўлган). Чегара чизиғи ердаги экин турига караб ўрнатилган ва “яхши”, “ўрта”, “ориқ” («добрую», «среднюю» и «худую») ер деб ажратилган.

Замонавий Европа ер кадастри тизими кўп жиҳатдан унинг тушунчаси ва мазмунини шакллантирган Наполеон билан боғлиқ. Лекин ҳар бир мамлакатда кадастр ривожига ўз шароитлари ва анъаналарига асосланади, шунинг учун жаҳонда иккита бир хил кадастр тизимини топиш мумкин эмас. **Мамлакатимиз** худудида ўтган асрда қозилар томонидан юритилган “Темир дафтар” номли кадастр кўринишларидан бири амал қилган. Амир Темурнинг “Темур тузуклари” китобида келтирилишича ер майдонининг миқдори, ундан олиндиган хосил солиқ миқдорини белгиланган, экин ерлари ўлчанган ва олиндиган хосил ҳисобга олинган. Агарда нотўғри маълумотлар йиғилган бўлса хизматчилар жазоланган. Ўлчаш натижаларини махсус давлат ходимлари ва ерлар билан шуғулланувчи олий мансабдорлардан иборат **холиса** деб аталувчи хайъат текширган. Холиса эгасиз қолган ерларни обод қилишга ёрдам берган.

1.2 Давлат кадастрларини яратиш ва юритишда хорижий мамлакатларнинг тажрибалари

Австрия - 1985 йилдан ташкилий жиҳатдан Ер китоби ва кадастр битта ҳисобланади ва марказлашган ҳолда юритилади. Ер китоби Федерал адлия вазирлиги, кадастр эса Федерал Иқтисодий масалалар вазирлиги тасарруфидадир. Ер китоби ва кадастр Федерал Ҳукуматга бўйсунди. Кўчмас мулк объектларини шакиллантириш (инвентаризация, баҳолаш, кадастр суръатга олиш, юридик ҳужжатларни йиғиш) хусусий геодезистлар томонидан ҳам олиб борилади. Келажакда Ер китоби ва кадастрнинг бирлиги кенг қамровли географик маълумотлар тизимини янада кенгайтириш асосида амалга ошириш тенденцияси кўзатилмоқда.

Буюк Британия - Кўчмас мулк кадастри - мулкый ҳуқуқ ҳимояси тизимининг функциональ бирлиги сифатида мавжуд эмас. 1862 йилдан ер участкаларига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш - ер участкалари номлари Реестри амалга киритилди. Кўчмас мулкни шакллантириш (инвентаризациялаш, баҳолаш, кадастр суръатига олиш, юридик ҳужжатларни йиғиш), ўлчаш ишлари бўйича хусусий бюролар томонидан олиб борилади, улар шунингдек, кадастр юритишни ҳам амалга оширадилар. Инглиз тизими мулкый ҳуқуқнинг ҳимоясини таъминлаш тизимида давлат аралашуви (иштироки)нинг жуда камлигининг намунасидир. Тўла қамровли ер-кадастр тизимини яратиш яқин келажакда кузатилмаяпти.



Голландия - Ер китоби ва кадастрни юритиш функциялари Уй-жой қурилиши, режалаштириш ва атроф-муҳитни химоя қилиш вазирлиги тасарруфидаги «Кадастр» хизматлари томонидан олиб борилади. Кадастрни юритиш тўлиқ автоматлаштирилган. Рўйхатдан ўтказиш ва картографик маълумотлар интеграцияланиш тенденцияси асосида амалга оширилмоқда.

Германия Федератив Республикаси - Германия тизими ташкилий жиҳатдан Ер китоби ва Ер кадастрига бўлинади. Тизим тарих давомида шундай шакилланганки, Ер китобини юритиш - ер участкасига бўлган юридик маълумотлар Реестри сифатида (мулкка муносабат, ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқий ҳолатлар) Федерал адлия вазирлиги (рўйхатдан ўтказиш судлари) томонидан амалга оширилади. Ер кадастри эса - мулкни ҳақиқий ҳолатини (таркибини) исботи сифатида (бунда: номи, ҳолати, ўлчами, қурилиш иншоотлари, фойдаланиш ва бошқ.) юритилади ва Федерал ер ваколатида ҳисобланади. Кўчмас мулкни шакиллантириш хусусий геодезистлар томонидан ҳам амалга оширилади.

Маъмурий ва бюрократик қийинчиликлар ягона федерал тизимни ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Ташкилий ва технологик жиҳатдан кадастр хизматлари ва рўйхатдан ўтказиш судларини бирлашиши ҳамда рўйхатдан ўтказишни тўлиқ компьютер технологияларига ўтиш тенденцияси кузатилмоқда.

Франция - Кўчмас мулк Реестри – кўчмас мулкни ипотекаси ва гарови картотекалари бўйича Молия вазирлиги таркибига кирувчи Асосий ҳуқуқлар ва ипотекалар реестр хизмати томонидан юритилади. Сақлаш вазифаси (обременение) бўлмаган ер участкалари рўйхатдан ўтказилмайди. Маҳаллий ҳокимият органларининг кадастр хизматлари ўлчашлар асосидаги, солиқ солиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган график кадастрни юритадилар. Кадастр юритишни компьютер технологияларига ўтказиш амалга оширилмоқда, тарихан шакилланиб келган солиқ кадастри босқичма-босқич геоахборот тизимига қайта шакилланиб бормоқда.

АҚШ - Тўла қамровли кадастр мавжуд эмас. Ерларни рўйхатдан ўтказиш, ўлчаш ёки маркировкалаш мажбурияти йўқ. Мулкни бошқа шахсга ўтказиш: ёзма шаклда тузилган олди-сотди тўғрисидаги мажбурият шартномаси, камида сўнгги 30 йил ичида ушбу мулкка бўлган ҳуқуқни



исботлашда адвокат иштироки, тегишли ер участкаси бўйича суғурта компанияси томонидан бериладиган тарихий маълумот ва мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги Жамоа реестрига киритиладиган хужжат каби бир нечта этапларда амалга оширилади. Реестр хусусий суғурта компаниялари томонидан юритилади. Айрим Штатларда асосан ерларни, бино ва иншоотларни ҳисобини олиб бориш мақсадида кўчмас мулк кадастрини ташкил этиш тенденцияси кузатилмоқда.

Швейцария - Кадастр тизими иккита орган: Федерал адлия вазирлиги тасарруфидаги Ер китоби, ва кантонлар тасарруфидаги кадастр воситасида бутун мамлакат ҳудудида бир ҳил шаклга келтирилган (унификацияланган). Кўчмас мулкни шакиллантириш ишлари шунингдек хусусий геодезистлар томонидан ҳам олиб борилади. Мавжуд тизимни Кадастр хариталаш Федерал агентлиги раҳнамолигида Ер маълумотлари ягона миллий компьютер тизимини яратиш йўли билан қайта ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Швеция - Кўчмас мулкни шакиллантириш ва унга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш Швеция Миллий ер хизматининг ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади. Рўйхатдан ўтказиш тартиби тўлиқ автоматлаштирилган, ер ахборотлари ягона маълумотлар банки амал қилади. Мазкур соҳада Швеция дунёда етакчи ҳисобланади. Ҳозирда компьютер тизимини ислоҳ қилиш ундан бозор структуралари томонидан (банклар, суғурта компаниялари) янада кенгроқ фойдаланишга, шунингдек ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни беришни компьютерлаштиришга қаратилган.

Россия Федерацияси - «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш» Қонунига мувофиқ, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ягона давлат Реестрини яратиш ва юритиш Адлия органлари зиммасига юклатилган. Кўчмас мулк объектларини техник инвентаризациялаш ва давлат ҳисобини олиб бориш бир нечта ташкилот (орган)лар орқали амалга оширилади жумладан: Геодезия ва картография Федерал хизмати; Федерал ер кадастри хизмати; Қурилиш ва уй-жой коммунал комплекси давлат қўмитаси.



Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш борасида Адлия муасссаси ҳамда кўчмас мулк объектларини техник инвентаризациялаш ва давлат ҳисобини олиб борувчи органлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик борасида Ҳукумат қарори билан Идоралараро Кенгаш ташкил этилган. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини босқичма-босқич ривожлантиш тўғрисида «Федерал Дастур» тасдиқланган.

Ер ва мулккий муносабатларни тартибга солиш ва ислоҳ қилиш мақсадида «Давлат ер кадастрини ҳамда кўчмас мулк объектларини давлат ҳисобини юритишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш мақсадли Федерал дастур тасдиқланган. Манфаатдор идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва фаолиятини мувофиқлаштириш тенденцияси юзага келган.

2- Мавзу: Давлат кадастрлари ягона тизимини (ДКЯТ) яратиш ва юритиш, маълумотлар тематик қатламларини тузишда инновацион тенологиялар.

Режа:

1. Давлат кадастрлари ягона тизимини (ДКЯТ) яратиш ва юритиш тартиби.

2. Давлат кадастрлари ягона тизими маълумотлар тематик қатламларини тузишда инновацион тенологиялар.

Таянч иборалар: ДКЯТ, кадастр, ер участкаси, бозор иқтисодиёти, ердан фойдаланувчи субъект, кадастр объектлари, кўчмас мулк объекти, ер кадастри, ер баҳолаш, кадастр рақами, табиий ресурслар кадастрлари, чизиқли турдаги кадастр объектлари, электрон харита, электрон дастур, алгоритм.

1. Давлат кадастри тушунчаси ва унинг мазмуни. Тармоқлар давлат кадастрлари Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда у табиий, хўжалик объекти ёки бошқа объект муайян турининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат бўлади.

Кадастр тушунчасининг замонавий таърифи сифатида айтиш мумкинки, кадастр - мамлакатимиз ҳудудидаги табиий ресурслар ва инсон яратган моддий ва маънавий бойликларнинг жорий ҳолатига оид маълумотларни йиғиш сақлаш ва фойдаланувчиларга ҳавола қилиш тизимидир.

Табиий ва моддий бойликлар бир қанча турларга бўлинганлиги учун мутаносиб равишда давлат кадастр тизими ҳам бир қанча тармоқ кадастрларини ўз ичига олади. Масалан, ер кадастри, энергетика ресурслари кадастри, хайвонот олами кадастри, темир



йўллар кадастри, бино ва иншоотлар кадастри, сув ресурслари кадастри, ўрмон кадастри, архитектура ёдгорликлари ва тарихий обидалар кадастри, алоқа кадастри ва ҳ.к. Мамлакат худудидаги ҳар қандай бойлик ёки ер остида, ёки ер устида жойлашганлиги туфайли мазкур кадастрлар ичида ер кадастри алоҳида ўрин тутди.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг ривожланишни ҳисобга олиб, табиий ва хўжалик ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини такомиллаштириш, ҳудудларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятини мажмуавий таҳлил қилиш ва баҳолаш энг зарур масалалардан бири ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётининг асосий элементларидан ҳисобланган кадастр тизими Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг асосий тамойилларига ва мазмунига тўла мувофиқ келади. Бугунги кунда иқтисодий соҳалардаги ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастри тўғрисида”ги қонуни мазмуни ва моҳияти билан мамлакатимизда Давлат кадастрларини яратиш ва юритиш томоийларини тўлиқ белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралда қабул қилинган “Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 66-сонли қарори асосида республикаимизда 21 та давлат тармоқ кадастрларини яратиш ва юритиш бўйича тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар масъул этиб тайинланган. Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ) давлат кадастрларининг барча турларини бирлаштирувчи кўп мақсадли ахборот тизими бўлиб уни юритиш “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси зиммасига юклатилган.

“Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларини давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради ва давлат кадастрлари ягона тизимини юритади. Давлат кадастрларининг ягона тизими юритиш методологиясини, илмий принципларини ва концепцияларини ишлаб чиқиш Давлат кадастрини юритувчи манфатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан белгиланган бўлиб бугунги кунда Давлат кадастрларини яратиш ва юритиш борасида тўлақонли норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди ва Ҳукуматимизнинг тегишли қарорлари билан давлат кадастрларини юритиш ва яратиш тўғрисида низомлар тасдиқланиб ишга туширилди.



Ҳозирги пайтда давлат кадастрлари; ер, конлар, фойдали қазилмалар ва техноген хосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари давлат кадастри; давлат сув кадастри; давлат ўрмон кадастри; кўриқланадиган табиий ҳудудлар давлат кадастри; бинолар ва иншоотлар давлат кадастри; гидротехника иншоотлари давлат кадастри; маданий мерос объектлари давлат кадастри; автомобиль йўллари давлат кадастри; темир йўллар давлат кадастри; алоқа объектлари давлат кадастри; энергетика объектлари давлат кадастри; чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри; табиий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри (хавфли геологик жараёнлар бўлими) картография-геодезия давлат кадастри бўйича тематик қатлам кўринишидаги маълумотлар ДКЯТ марказий маълумотлар базасига киртиб келинмоқда.

Бугунги кунда Давлат кадастрлари маълумотлари асосида географик ахборот тизими қатламлари яратилмоқда. Бу ўринда давлат ер кадастри маълумотлари алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Давлат ер кадастрини юритишнинг асосий мақсади – иқтисодий ривожлантириш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг кафолатларини таъминлаш, ерлардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш учун кадастр маълумотларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини белгилашдан иборат.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган ер участкалари бўйича кадастр ҳужжатлари тайёрланиб, юридик ва жисмоний шахларни ер участкасига тегишли бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатидан ўтказилмоқда, шу билан биргаликда ердан фойдаланувчилар кесимида туман, шаҳар ҳокимликларнинг тасдиқланган қарорлари асосида ер ҳисоботи тайёрланиб, вилоятда умумлаштирилган ҳолда “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасига ҳар йил якуни бўйича 1 январь ҳолатига тақдим этилиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда юридик ва жисмоний шахларни ер участкасига бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатидан ўтказилиб, рўйхатга ўтказиш жараёнидаги маълумотлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар (туман ва шаҳарлар кесимида) ва Тошкент шаҳри бўйича навбатчи электрон хариталарга киритилмоқда. Бугунги кунда барча туман, шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизматлари қишлоқ хўжалиги экинларини тезкор ва аниқ ўлчовини ўтказиш, топогеодезия ишларининг сифатини ошириш мақсадида энг замонавий 160 та комплект йўлдош тизимли геодезик асбоб-ускуналар ҳамда уларга тегишли дастурий таъминотлар, замонавий компьютерлар, шунингдек ягона дастурий тизимни жорий қилиш мақсадида вилоят бошқармалари ҳамда туман бўлимлари ArcGIS дастурий таъминоти билан таъминланган.



Давлат ер кадастри маълумотлари ҳар бир юридик ва жисмоний шахсларга тегишли ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари белгиланган тартибда туман ва шаҳарларда давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, жойларда маълумотлар базаси яратилмоқда ва координатлар системасида жадвал шаклида Давлат кадастрлари ягона тизими маълумотлар базасига киритиб борилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан кейинги йилларда қабул қилинган қарорларга мувофиқ, ҳозирги пайтда, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг компьютерлаштирилган ягона миллий тизимини яратиш бўйича, ишлар амалга оширилмоқда. Келажақда кўчмас мулк тўғрисида атрибутив ва график маълумотларни ўз ичига олган ягона маълумотлар банки яратилиши кўзда тутилмоқда.

Юридик ва жисмоний шахслар кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш учун ўзларининг танловларига кўра телекоммуникация каналлари бўйича электрон рақамли имзони қўллаган ҳолда электрон ҳужжат кўринишида аризаларини Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали ва ахборот ресурси орқали электрон шаклда жўнатишларини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

Бу йўналишда ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни электрон тарзда қабул қилиш ва уларга ишлов бериш тизими ахборот тизимлари комплекси, шунингдек алоқа каналлари ва ахборотни узатиш ва қабул қилишнинг ахборот хавфсизлиги таъминланган дастурий-аппарат воситалари, олинган ахборотга ишлов бериш, уни сақлашнинг дастурий-аппарат воситалари дастурлари ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақида тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида низом”га мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига, бинолар ва иншоотларга (шу жумладан ер ости иншоотларига), кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган ҳуқуқларини, шунингдек ипотекани ҳамда бинолар ва иншоотлар ва ер участкаларига бўлган ашёвий ҳуқуқлар ипотекаси тўғрисидаги шартномаларни, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаб, «бир ойна» тамойили бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби жорий этилмоқда.



Ҳукумат қарорига мувофиқ, ҳозирги пайтда, Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг компьютерлаштирилган ягона миллий тизимини яратиш бўйича, етакчи хориж мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан «Давлат инвестиция дастури» амалга оширилмоқда.

Келажакда кўчмас мулк тўғрисида атрибутив ва график маълумотларни ўз ичига олган ягона маълумотлар банки яратилиши кўзда тутилаяпти.

Давлат кадастрларини юритиш тартиби. Давлат кадастрларини юритиш тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат кадастрларини юритишга қуйидагилар киради:

кадастр объектларига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

кадастр объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш;

кадастр объектларини сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолаш;

кадастрга доир ахборотни тизимга солиш, сақлаш ва янгилаб бориш;

кадастр объектларининг ҳолати ҳақида ҳисоботлар тузиш;

Давлат кадастрлари ягона тизимига киритиш учун тегишли ахборот тақдим этиш;

фойдаланувчиларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кадастрга доир ахборот билан таъминлаш.

Кадастр объектларининг мулкдорлари ҳамда кадастр объектларига доир бошқа ҳуқуқларнинг эгалари тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кадастр объектларининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисида, шунингдек уларнинг ҳолатидаги жорий ўзгаришлар ҳақида ахборот тақдим этишлари шарт. Давлат кадастрларини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Давлат кадастрлари юритилишини молиялаштириш давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.



Кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш. Кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш юридик ва жисмоний шахсларнинг кадастр объектларига бўлган ҳуқуқлари давлат томонидан эътироф этилиши ва тасдиқланишининг юридик ҳужжати ҳисобланади. Кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотларни давлат реестрларига киритиш йўли билан амалга оширилади. Кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш кадастр объектларининг барча мулкдорлари ва кадастр объектларига доир бошқа ҳуқуқларнинг эгалари учун мажбурийдир.

Кадастр объектларини ҳисобга олиш. Кадастр объектларини ҳисобга олиш вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли бўлинмалари томонидан кадастр объектларининг чегаралари доирасида, шунингдек аҳоли пунктлари, туманлар, минтақалар, табиий ва иқтисодий тегралар ҳамда бутун Ўзбекистон Республикаси бўйича уларнинг амалдаги ҳолати ва улардан фойдаланилишига кўра олиб борилади.

Кадастр объектларини баҳолаш. Кадастр объектларини баҳолаш сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолашни ўз ичига олади. Кадастр объектларини сифат жиҳатидан баҳолаш уларнинг табиий ва жисмоний тавсифлари асосида амалга оширилади. Кадастр объектларини қиймат жиҳатидан баҳолаш уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.


Кадастр ҳужжатлари. Кадастр объектига бўлган мулк ҳуқуқини ва бошқа ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар, объектнинг кадастр йиғмажилди, кадастр харитаси (плани), кадастр китоби, кадастр объектларининг ҳолати ҳақидаги ҳисобот кадастр ҳужжатларининг асосий турларидир.

Кадастр йиғмажилди - кадастр объектига бўлган ҳуқуқни шакллантириш, ҳисобга олиш ва кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўладиган кадастр объектини кадастр суратига олиш, техник инвентаризация қилиш ва паспортлаштиришнинг, махсус текшириш ва изланишларнинг, сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолашнинг ҳужжатлари, материаллари ва маълумотларидан иборат бўлади.

Кадастр харитаси (плани) - кадастр объектлари жойлашган ерни, уларнинг чегаралари, муҳофаза тегралари, баҳолаш, миқдор ва сифат тавсифларини акс эттирувчи график чизма ҳужжати бўлиб, у қоғозда, магнит ва бошқа воситаларда тузилади. Кадастр китоби - кадастр объектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг асосий ҳужжати ҳисобланиб, у кадастр объектларининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор



ҳамда сифат жиҳатдан тавсифлари ва баҳоси ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлади. Кадастр объектларининг ҳолати тўғрисидаги ҳисобот - давлат кадастрининг ҳар бир тури бўйича белгиланган тартибда тузилади ҳамда кадастр объектларининг алоҳида ҳудудлар ва бутун Ўзбекистон Республикаси бўйича миқдор ва сифат ҳолати, баҳоси ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.





Қуйидагилар республикамизда давлат кадастрларини яратиш ва юритишнинг норматив ҳуқуқий асослари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Кодекслари:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодекси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 29.08.1996 й. 257-I-сон қарорига мувофиқ 1997 йилнинг 1 мартдан кучга киритилган)

2. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. (ЎЗР 30.04.1998 й. 598-I-сон Қонуни билан тасдиқланган ЎЗР 30.04.1998 й. 599-I-сон Қарори билан амалга киритилган)

3. Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси. (Ўзбекистон Республикасининг 04.04.2002 й. 353-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 04.04.2002 й. 354-II-сон Қарорига мувофиқ амалга киритилган)

4. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси (1998 йил 24 декабрдаги 713-I-сон Қонун билан тасдиқланган 1998 йил 24 декабрдаги 714-I-сон Қарор билан амалга киритилган 1999 йил 1 апрелдан амалга киритилган)

5. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. (2007 йил 25 декабрда 136-сон Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тасдиқланган)

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастри тўғрисида”ги қонуни. (15.12.2000 й. N 171-II)

2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни. (28.08.1998 й. N 666-I)

3. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни.(09.04.2009 й. N ЎРҚ-208)

4. Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонуни (23.09.1994 й. № 2018-XII)

5. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни

6. Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни (26.12.1997 йил №543-I)



7. Ўзбекистон Республикасининг "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни
8. Ўзбекистон Республикасининг "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида" ги Қонуни (03.12.2004 йил № 710-II)
9. Ўзбекистон Республикасининг "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида" ги Қонуни (20.08.1999 йил № 826-I)
10. Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни (30.08.2001 йил № 269-II)
11. Ўзбекистон Республикасининг "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Қонуни (02.10.2007 йил №ЗРУ-117)
12. Ўзбекистон Республикасининг "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги қонуни (15.04.1999 йил № 766-I)
13. Ўзбекистон Республикасининг "Почта алоқаси тўғрисида"ги Қонуни (31.08.2000 йил № 118-II)
14. Ўзбекистон Республикасининг "Телекоммуникация тўғрисида"ги Қонуни (20.08.1999 йил № 822- I)
15. Ўзбекистон Республикасининг "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида" ги Қонуни (20.08.1999 йил № 826-I)
16. Ўзбекистон Республикасининг "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни
17. Ўзбекистон Республикаси "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонуни (05.04.2002 йил № 362-II)
18. Ўзбекистон Республикасининг "Геодезия ва картография тўғрисида"ги Қонуни (25.04.1997 г. № 417-I)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 483-сонли қарори.



2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.02.2005 й. “Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги № 66- сонли қарори 3- иловаси
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.1997 й. Ўзбекистон Республикаси конлари, фойдали қазилмалари нишонлари ва техноген ҳосилаларининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги № 258-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.06.1997 й. “Ўзбекистон Республикасида бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги № 278-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.01.1998 й. “Ўзбекистон Республикасининг давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги № 11-сонли қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.03.1998 й. “Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги № 104-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.1998 й. “Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида”ги № 543-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.09.2000 й. “Ўзбекистон Республикаси ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни ва ўзбекистон республикаси ҳайвонот дунёсининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги № 343-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.07.2002 й. “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 269-сонли қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.06.2005 й. “Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги № 152-сонли қарори.



11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.11.2005 й. “Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги № 250-сонли қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.11.1999 й. “Гидротехника иншоотларининг кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги № 499-сонли қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2001 й. “Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида №492-сонли қарори

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.08.2014 й. “Худудларнинг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида №231-сонли қарори

Давлат кадастрларини яратиш ва юритишда давлат бошқаруви. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, махсус ваколатли орган ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги ваколатлари:

давлат кадастрларининг ягона давлат сиёсатини амалга оширади, уларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилайди, молиялаштириш ва инвестиция масалаларини ҳал қилади;

Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш тартибини белгилайди;

кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, кадастрга доир ахборотни фойдаланувчиларга тақдим этиш тартибини белгилайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (“Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси) давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги махсус ваколатли орган ҳисобланади. “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ваколатларига қуйдагилар киради:



вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

Давлат кадастрлари ягона тизимини юритади;

вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларни тегишли давлат кадастрларини юритиш учун зарур бўлган картография материаллари билан белгиланган тартибда таъминлайди;

давлат кадастрлари юритилишига доир норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини ташкил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

“Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси давлат кадастрини юритиш соҳасида вазифалари:

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

Давлат кадастрлари ягона тизимига киритиладиган тармоқ кадастр ахборотларини йиғиш, таҳлил қилиш, туркумлаш, сақлаш ва янгилашни амалга оширади;

давлат ер кадастрини юритади;

бинолар ва иншоотларнинг давлат кадастрини юритади;

давлат картография-геодезия кадастрини юритади;

ҳудудларнинг давлат кадастрини юритади;

илмий-тадқиқот ва тажриба-технология ишларини бажаради, норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

вилоятлар, туманлар ва аҳоли пунктларининг маъмурий чегараларини белгилаш (аниқлаш) ишларини ташкил қилади ва амалга оширади;

фойдаланувчиларни кадастр ахборотлари билан таъминлайди;

кўчмас мулкка ҳуқуқларни ва кўчмас мулкка доир битишувларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади;



кўчмас мулкка ҳуқуқлар, уларнинг бир ҳуқуқ эгасидан иккинчисига ўтиши тўғрисидаги, кўчмас мулкка ҳуқуқларни чегаралаш ва кўчмас мулкка доир бошқа битишувлар тўғрисидаги маълумотлар банкини ташкил қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги ваколатлари:

кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни ташкил этадилар;

давлат ер кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш ишларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирадилар;

тегишли ҳудудлар давлат кадастрининг юритилишини ташкил этадилар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадилар.



Давлат кадастрларини яратиш ва юритиш учун маъсул давлат органлари

№	Давлат кадастрларининг номланиши	Яратиш ва юритиш учун маъсул давлат органи	Республика бўйича юритиш учун маъсул ташкилот	Юритувчи ташкилот ёки бўлим
1	Давлат ер кадастри	“Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси	“Ўздаверлойҳа”	Туман шаҳар “Ермулккадастр” давлат корхоналари
2	Фойдали қазилма конлари, белгилари ва техноген хосилалар давлат кадастри	Геология давлат кўмитаси	Давлат геология ахборот маркази ДК	ДГАМ Давлат кадастри бўлими
3	Давлат сув кадастри: (ер ости сувлар бўйича)	Геология давлат Кўмитаси	Давлат геология ахборот маркази ДК	ДГАМ Давлат кадастри бўлими
	(сувдан фойдаланиш бўйича)	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	Ирригация тизимлари бассейни бошқармаси	Сув ресурслари баланси ва сувни тежаш технологиялар бошқармаси



	(ер усти сувлари бўйича)	Вазирлар Маҳкамасининг Гидрометеорология хизмати маркази	Ўрта-Осиё гидрометеорология илмий-тадқиқот институти	Сув кадастри бўлими
4	Давлат ўрмон кадастри	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси	Давлат ўрмон кадастри бўлими
5	Ўсимликлар дунёси объектлари давлат кадастри	Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	Давлат биологик назарот бошқармаси	Ўсимликларни химоя қилиш бўлими
6	Ҳайвонот дунёси давлат кадастри	Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	Давлат биологик назарот бошқармаси	Ҳайвонот дунёси мониторинги ва кадастри бўлими
7	Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри	Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	Бошқарув назорат бошқармаси	Давлат биологик назарот бошқармасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар махсус бўлими
8	Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри	“Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси	Вилоят Ермулккадастр давлат корхонаси	Туман (шаҳар) Ермулккадастр давлат корхонаси



9	Давлат шаҳарсозлик кадастри	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси	«OZGASHK» DK	Давлат шаҳарсозлик кадастри бўлими
10	Гидротехника иншоотлари давлат кадастри I, II, III капиталлик класслари гидротехника иншоотлари	“Давсувхўжаликназорат” инспекцияси	“Давсувхўжаликназорат” инспекцияси	Гидротехника иншоотлари кадастри бўлими
	III дан қуйи капиталлик класслари– иншоотларнинг мансублиги бўйича	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	Ирригация тизимлари бассейни бошқармаси	Сув ресурслари баланси ва сувни тежаш технологиялар бошқармаси
	III дан қуйи капиталлик класслари– иншоотларнинг мансублиги бўйича	“Ўзбекэнерго” давлат- акциядорлик компанияси	«Узэнергосозлаш» унитар корхонаси	Энергетика объектлари кадастри сектори
11	Тарихий ва маданий ёдгорликлар давлат кадастри	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги	Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси	Тарихий-археология бўлими



12	Автомобиль йўллари давлат кадастри	«Узавтойул» ДАК	Автобомил йўллари илмий-тадқиқот институти	АЙДК бўлими
13	Темир йўллар давлат кадастри	«Ўзбекистон темир йуллари» ДАТК	Стратегик ривожлантириш бошқармаси	ДТЙК бўлимиотдела
14	Транспорт қувурлари давлат кадастри	«Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг жамияти (МХЖ)	«Ўзтрансгаз» Акциодорлик жамияти	Транспорт қувурлари давлат кадастри бўлими
15	Алоқа объектлари давлат кадастри	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг	Илмий техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази	Алоқа объектлари давлат кадастри бўлими
16	Энергетика объектлари давлат кадастри	«Ўзбекэнерго» ДАК	«Ўзэнергосозлаш» унитар корхонаси	Энергетика объектлари кадастри сектори
17	Чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утиллаштириш жойлари давлат кадастри	Табиятни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси	Бошpersувназорат бошқармаси	Давлат биологик назарот бошқармасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар махсус бўлими



18	<p>Табиий хавфи юқори бўлган зоналар давлат кадастри:</p> <p>хавфли геологик жараёнлар рўй берадиган зоналар (ХГЖРЗ) бўйича</p>	<p>Давлат геология</p> <p>Қўмитаси</p>	<p>"Ўзбекгидрогеология" давлат геология корхонаси</p>	<p>ХГЖРЗ бўлими</p>
	<p>сейсмик хавф юқори бўлган зоналар (СХЮЗ) бўйича</p>	<p>Фанлар академияси</p>	<p>Сейсмология институти</p>	<p>СХЮЗ бўлими</p>
	<p>гидрометеорология ходисалари хавфи юқори бўлган зоналар (ГМХХЮЗ) бўйича</p>	<p>"Ўзгидромет" маркази</p>	<p>Метеорологик ўлчавлар ва сув кадастр бошқармаси</p>	<p>Метеорологик ўлчавлар ва сув кадастр бошқармаси</p>
19	<p>Техноген хавфи юқори бўлган зоналар давлат кадастри;</p> <p>кучли таъсир қилувчи заҳарли химикатлар, пестицидлар, радиоизотоп буюмлар, радиоактив ва бошқа моддаларни ишлаб</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси</p> <p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги</p>	<p>Республика давлат санитария-эпидемиология назорат маркази</p>	<p>Техноген хавф юқори бўлган зоналарнинг кадастр маркази</p>



<p>чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш объектлари бўйича</p>			
<p>одамларни эвакуация килишни ёки кўчиришни талаб қиладиган хавф юқори бўлган зоналар бўйича</p>	<p>Фавқулодда вазиятлар вазирлиги</p>	<p>Техноген хавф юқори бўлган зоналарнинг кадастр маркази</p>	<p>Техноген хавф юқори бўлган зоналарнинг кадастр маркази</p>
<p>ядро физикаси корхоналарида радиация хавфи юқори бўлган зоналар бўйича</p>	<p>Фанлар академияси</p>	<p>Ядро физикаси институти</p>	<p>Техноген хавф юқори бўлган зоналарнинг кадастр маркази</p>
<p>портлаш ва ёнғин чиқиши хавфи юқори бўлган зоналар (объектлар) бўйича</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги</p>	<p>Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати</p>	<p>Техноген хавф юқори бўлган зоналарнинг кадастр маркази</p>
<p>ишлаб чиқариш объектларида, портлаш- ёнғин чиқиши ва радиация</p>	<p>Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб</p>	<p>Техноген хавф юқори бўлган зоналарнинг бош кадастр маркази</p>	<p>тармоқ ва минтақавий инспекциялар</p>



	хавфи мавжуд бўлган объектларда авария ҳоллари содир бўлиши мумкин бўлган юқори хавфли зоналар бўйича	борилиши бўйича давлат инспекцияси «Саноатконтехназорат» ДИ		
20	Картография-геодезия давлат кадастри	“Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси	Давлат геодезия назорати инспекцияси	Давлат геодезия назорати инспекцияси
21	Ҳудудлар давлат кадастри	“Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси	Геодезия, картография Миллий маркази	Вилоят “Ермулккадастр” давлат корхонаси Туман (шаҳар) “Ермулккадастр” давлат корхонаси



2.2 Давлат кадастрлари ягона тизимини (ДКЯТ) яратиш ва юритиш

Давлат кадастрларининг ягона тизими. Давлат кадастрларининг ягона тизими Ўзбекистон Республикаси ва унинг айрим худудлари табиий-иқтисодий салоҳиятининг ягона умумдавлат ҳисоб-китоби юритилишини, баҳоланишини таъминлашга мўлжалланган кўп мақсадли ахборот тизими тарзида яратилади. Давлат кадастрлари ягона тизимига киритиладиган давлат кадастрларининг ахборотини тақдим этиш тартиби давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан белгиланади

Давлат кадастрлари ягона тизимига қуйидагилар киради: давлат ер кадастри; фойдали қазилма конлари, белгилари ва техноген ҳосилалар давлат кадастри; давлат сув кадастри; давлат ўрмон кадастри; ўсимликлар дунёси объектлари давлат кадастри; ҳайвонот дунёси давлат кадастри; муҳофаза этиладиган табиий худудлар давлат кадастри; бинолар ва иншоотлар давлат кадастри; давлат шаҳарсозлик кадастри; гидротехника иншоотлари давлат кадастри; тарихий ва маданий ёдгорликлар давлат кадастри; автомобиль йўллари давлат кадастри; темир йўллар давлат кадастри; транспорт қувурлари давлат кадастри; алоқа объектлари давлат кадастри; энергетика объектлари давлат кадастри; чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утиллаштириш жойлари давлат кадастри; табиий хавфи юқори бўлган тегралар (зоналар) давлат кадастри; техноген хавфи юқори бўлган тегралар давлат кадастри; картография-геодезия давлат кадастри; худудлар давлат кадастри.

Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ) - давлат кадастрларининг турларини бирлаштирувчи кўп мақсадли ахборот тизимидир. Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (“Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси) томонидан амалга оширилади. Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиб борилади. Давлат кадастрлари ягона тизими давлат ҳокимити ва бошқаруви органларини, юридик ва жисмоний шахсларни уларнинг фаолияти учун зарур бўлган барча турдаги давлат кадастрлари ахборотлари билан тезкор таъминлаш учун мўлжалланган.

Белгиланган тартибга мувофиқланилган кадастр объектларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги маълумотлар, картография-геодезия материаллари, статистик ҳисобга олиш маълумотлари, давлат кадастрлари маълумотлари Давлат кадастрлари ягона тизимининг



асосини ташкил этади. Давлат кадастрлари ягона тизими доирасида ҳудудларни комплекс баҳолаш учун зарур булган бошқа маълумотлар ҳам жамланади.

Давлат кадастрлари объектлари ва субъектлари тавсифи. Ер, конлар ҳамда фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари, сув, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар, бинолар ва иншоотлар, шаҳар ва шаҳарчалар, гидротехника иншоотлари, маданий мерос объектлари, автомобиль йўллари ва темир йўллар, етказиб бериш қувурлари, алоқа объектлари, энергетика объектлари, чиқиндиларни кўмиш ва йўқ қилиш жойлари, техноген хавф юқори бўлган зоналар, геодезия пунктлари ва Давлат кадастрлари ягона тизими масалаларини ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа объектлар Давлат кадастрлари ягона тизимининг *объектлари* ҳисобланади.

Тегишли давлат кадастрларини юритиш бўйича ваколатли органлар давлат кадастрлари *субъектлари* ҳисобланади. Давлат кадастрларини юритиш тартиби Ўзбекистон Ресубликаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган тегишли низомлор билан белгиланади.

Давлат кадастрларини юритишнинг асосий принциплари. Давлат кадастрлари ягона тизими маълумотлари давлат бошқаруви барча органлари, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий кучга эгадир. Кадастр ҳужжатлари мулкчилик ва хўжалик юритишнинг барча шаклларидаги объектлар тўғрисидаги ҳуқуқий, иқтисодий ва техник маълумотларнинг бошланғич манбаи сифатида кабул қилиниши керак.

Қуйидагилар Давлат кадастрлари ягона тизимини юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади: хар бир кадастр объектлари тури бўйича Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларини тўлиқ қамраб олиш; макон координаталарининг ягона тизимини қўллаш; кадастр ахборотларини шакллантириш методологиясининг ягоналиги; кадастр ахборотларининг ишончлилиги; кадастр ахборотларининг очиклиги.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ва маълумотларни тақдим этувчи органларнинг мансабдор шахслари Давлат кадастрлари ягона тизимидаги маълумотларнинг ишончлилиги учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар. Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш билан боғлиқ ишлар давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

Давлат кадастрларига доир ахборотни тақдим этиш. Давлат кадастрларига доир ахборот давлат ҳокимияти органларига бепул, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга эса белгиланган тартибда ҳақ эвазига тақдим этилади. Давлат сирини ҳисобланган давлат



кадастрларига доир ахборотдан фойдаланиш қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Кадастр объектлари тўғрисидаги кадастр маълумотларининг компьютер базаси давлат кадастрларини юритувчи маъсул орган томонидан туман, шаҳар кадастр, реестр дафтарига киритилган маълумотлари асосида тузилади. Кадастр объектлари тўғрисидаги компьютер маълумотлари Қорқалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича йилнинг ҳар чорагида умумлаштирилади, бир тизимга солинади ва улар маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикаси бўйича кадастр объектлари тўғрисидаги кадастр маълумотларининг бир тизимга солинган компьютер базаси шакллантирилади.

Давлат кадастрлари маълумотлари (кадастр ахбороти) ДҚЯТга алфавит-рақамли (матнлар, жадваллар, ведомостлар, йилномалар ва ҳ.к.) ва график (карталар, планлар, кесмалар, схемалар ва ҳ.к.) шаклларда анъанавий (қоғоз) ва (ёки) электрон шаклларда тақдим этилади. Давлат кадастрлари маълумотлари белгиланган тартибда тасдиқлангандан сўнг ДҚЯТга 1 январь ҳолати бўйича, тегишли кадастрларни юритиш тартиби тўғрисидаги низомлар билан белгиланган муддатларда, лекин ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этилади. Давлат кадастрларининг тезкор тавсифдаги маълумотлари белгиланган тартибда тасдиқлангандан сўнг ДҚЯТга заруратга қараб тақдим этилади.


Давлат сир бўлган кадастр ахборотини тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади. Давлат кадастрлари маълумотларини электрон (рақамли) шаклда тақдим этиш ArcGIS оиласига мансуб дастурий маҳсулотда рақамли картографик асосда унга атрибутив маълумотлар базасини боғлаган ҳолда ГАТ-лойиҳа ёки 1:200 000 базавий масштабдаги тематик қатлам кўринишида амалга оширилиши лозим. Рақамли картографик асос ва маълумотлар базасининг техник параметрлари (классификаторлар, шартли белгилар ва бошқалар) “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси билан давлат кадастрининг ҳар бир тури бўйича алоҳида келишувдан ўтказилади.

Давлат кадастрлариягонатизими объектлар тўғрисидаги маълумотлар республика учун ягона технология бўйича қуйидаги вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этилади: давлат ер кадастри бўйича - «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси; қонлар, фойдали казилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари давлат кадастри бўйича - Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси; давлат сув кадастри бўйича - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гирометеорология хизмати маркази (табiiй сув манбалари), Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (ер ости сувлари), Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув ҳужалиги



вазирлиги (сув ресурсларидан фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолати); давлат ўрмон кадастри бўйича - Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси; ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри бўйича - Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси; ҳайвонот дунёси давлат кадастри бўйича - Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси; муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси; бинолар ва иншоотлар давлат кадастри бўйича – «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси; давлат шаҳарсозлик кадастри бўйича - Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси; гидротехника иншоотлари давлат кадастри бўйича - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йирик ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда беҳатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси, бошқа ваколатли органлар; маданий мерос объектлари давлат кадастри бўйича - Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги; чиқиндиларни қўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри бўйича - Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси; картография-геодезия давлат кадастри бўйича - «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси; ҳудудлар давлат кадастри бўйича - «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси.

ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ ЯГОНА ТИЗИМИНИ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ





1.3 Давлат кадастрлари ягона тизимига тегишли маълумотлар тематик қатламлари

Давлат кадастрлари ягона тизими Геоахборот тизимининг базавий картографик асоси 1:200 000 масштабдаги картага мувофиқ келадиган қуйидаги тематик қатламлардан ташкил топади: “Математик асос” тематик қатлами; “Гидрография” тематик қатлами; “Жой рельефи” тематик қатлами; “Аҳоли пунктлари” тематик қатлами; “Алоқа йўллари” тематик қатлами; “Тупроқ-ўсимлик қоплами” тематик қатлами; “Сиёсий ва маъмурий чегаралар” тематик қатлами.

Давлат кадастрлари ягона тизими Геоахборот тизими (ГАТ) базавий картографик асоси ҳамда давлат кадастрларининг тегишли ГАТларини тематик қатламларини юритиш учун зарур картографик асослар “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси томонидан шакллантирилади ҳамда давлат кадастрларини юритиш бўйича ваколатли органларга тақдим этилади.

Давлат кадастрлари ягона тизими ГАТга тегишли тематик қатламларнинг математик асоси базавий картографик асоснинг математик асосига мувофиқ бўлиши лозим. Тематик қатламларни шакллантиришда векторли объектларни (нукталар, чизиклар ва полигонларни) ўзаро боғлиқлиги ва ёндошлиги уларни фазовий жойлашувини инобатга олган ҳолда тасвирланади. Қатламларнинг атрибутив маълумотлари давлат тилида юритилади.

Давлат кадастрлари ягона тизимига тегишли кадастрлар маълумотлари бу кадастрларни юритиш бўйича ваколатли органлар томонидан “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасини Геодезия ва картография миллий марказига қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

- 1) техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри бўйича – ҳар йили март ойида;
- 2) давлат сув кадастри (ер ости сувлари ва сувдан фойдаланиш бўлимлари), давлат ўрмон кадастри, ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри, давлат шаҳарсозлик кадастри, гидротехника иншоотлари давлат кадастри, маданий мерос объектлари давлат кадастри, автомобиль йўллари давлат кадастри, етказиб бериш қувурлари давлат кадастри, алоқа объектлари давлат кадастри, энергетика объектлари давлат кадастри, чиқиндиларни кўмиш



ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри, табиий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри (хавфли геологик жараёнларнинг юзага чиқиш ҳоллари ва сейсмик хавф юқори бўлган зоналар қисмлари) бўйича – ҳар йили апрель ойида;

3) ҳайвонот дунёси давлат кадастри бўйича – ҳар йили май ойида;

4) темир йўллар давлат кадастри, конлар, фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари давлат кадастри бўйича – ҳар йили июнь ойида;

5) давлат сув кадастри (ер усти сувлари бўлими), табиий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри (гидрометеорологик ҳодисалар хавфи юқори бўлган зоналар қисми) бўйича – ҳар йили декабрь ойида;

б) давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастри, картография-геодезия давлат кадастрлари бўйича – йилнинг ҳар чорагидан, кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар.

Давлат кадастрлари ягона тизимига тегишли маълумотлар давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастри, картография-геодезия давлат кадастрлари бўйича ўтган чоракнинг охириги санаси ҳолатига кўра, бошқа давлат кадастрлари бўйича, ўтган йилнинг 31 декабрь санаси ҳолатига кўра тақдим этилади. Ҳар бир давлат кадастри бўйича тематик қатламлар ва уларнинг атрибутив маълумотлар жадвали яратилади ва улар қуйидагилардан иборат бўлади:

1. Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри бўйича:

“Техноген хавф юқори бўлган зоналарга эга корхоналар” тематик қатлами; “Юқори техноген хавф юзага келиши мумкин бўлган зоналар” тематик қатлами; “Одамларни зонадан эвакуация қилиш ёки кўчириш” тематик қатлами; “Био ва иншоотларнинг ёнғин хавфлилиги бўйича тавсифи” тематик қатлами; “Ёнғинга қарши сув манбалари” тематик қатлами; “Радиоактив маҳсулотларни, радиоактив ва бошқа моддаларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш объектлари” тематик қатлами; “Радиациявий хавфга эга корхоналар” тематик қатлами; “Радиациявий хавф юзага келиши мумкин бўлган зоналар” тематик қатлами шакллантирилади.

2. Давлат сув кадастри бўйича:

“Сув объектлари – ер усти сувлари” тематик қатлами; “Сувларнинг сатҳлари”, “Сув сарфи” тематик қатламлари; “Ер ости сув конлари ресурслари” тематик қатлами; “Ер ости сув кони участкаларининг тасдиқланган захиралари” тематик қатлами; “Сув чиқариш



иншоотлари” тематик қатлами; “Ер ости сувларидан фойдаланиш” тематик қатлами; “Худудларда сувдан турли эҳтиёжлар учун фойдаланиш” тематик қатлами.

3. Давлат ўрмон кадастри бўйича:

“Ўрмон хўжалиги бўлимлари” тематик қатлами; “Ўрмон кварталлари” тематик қатлами; “Ўрмонли ерлар” тематик қатлами; “Ўрмонсиз ерлар” тематик қатлами.

4. Ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри бўйича:

“Қуйи ўсимликлар” тематик қатлами; “Томирли ўсимликлар” тематик қатлами; “Қўзиқоринлар” тематик қатлами; “Яйловлар ва пичанзорлар табиий ўсимлик қоплами ҳолатининг тавсифи” тематик қатлами.

5. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри бўйича:

“Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар” тематик қатлами; “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ўсимлик дунёси” тематик қатлами; “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳайвонот дунёси” тематик қатлами; “Давлат табиат ёдгорликларининг умумий тавсифи” тематик қатлами; “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий натижалари” тематик қатлами.

6. Давлат шаҳарсозлик кадастри бўйича:

“Шаҳарсозлик объекти” тематик қатлами; “Функционал зоналар” тематик қатлами; “Худудни шаҳарсозлик нуқтаи назаридан баҳолаш” тематик қатлами; “Аҳоли пунктини геологик зоналаш” тематик қатлами.

7. Гидротехника иншоотлари давлат кадастри бўйича:

“Сув омборлари”, “III синфдан паст капиталликдаги сув омборлари” ва “Сел омборлари” тематик қатламлари; “Гидроузеллар” ва “III классдан паст капиталликдаги гидроузеллар” тематик қатламлари; “Каналлар” ва “III классдан паст капиталликдаги каналлар” тематик қатламлари; “Насос станциялари” ва “III классдан паст капиталликдаги насос станциялари” тематик қатламлари; “Коллекторлар” ва “III классдан паст капиталликдаги коллекторлар” тематик қатламлари.

8. Маданий мерос объектлари давлат кадастри бўйича:

“Архитектура ёдгорликлари” тематик қатлами; “Археологик ёдгорликлар” тематик қатлами; “Монументал санъат ёдгорликлари” тематик қатлами; “Диққатга сазовор жойлар” тематик қатлами.



9. Автомобиль йўллари давлат кадастри бўйича:

“Автомобиль йўлларининг умумий кўриниши” ва “Автомобиль йўллари” тематик қатламлари; “Сунъий иншоотлар” тематик қатлами; “Тартибга келтириш ва жиҳозлаш объектлари” тематик қатлами; “Йўллар чорраҳалари ва туташувлари” тематик қатлами; “Ҳимоя иншоотлари” тематик қатлами; “Бино-иншоотлар” тематик қатлами.

10. Етказиб бериш қувурлари давлат кадастри бўйича:

“Газ етказиб бериш қувурлари – магистрал газопроводлар” тематик қатлами; “Газопровод-тармоқлари” тематик қатлами; “Газ тақсимлаш станциялари” тематик қатлами; “Компрессор станциялари” тематик қатлами; “Газни ер остида сақлаш станциялари” тематик қатлами; “Газни ер остида сақлаш станцияси кон зонаси” тематик қатлами.

11. Алоқа объектлари давлат кадастри бўйича:

“Халқаро коммуникация марказлари ва автоматик шаҳарлараро телефон станциялари” тематик қатламлари; “Туман телекоммуникация узеллари ва шаҳар телекоммуникация боғламалари” тематик қатламлари; “Автоматик телефон станциялари” тематик қатламлари; “Радиореле станциялари” тематик қатлами; “Радиотелевизион станциялар ва радио эшиттириш станциялари” тематик қатламлари; “Йўлдош алоқаси ер станциялари” тематик қатламлари; “Мобил алоқа коммуникацияси марказлари” тематик қатламлари; “Симсиз алоқа коммутацион боғламалари” тематик қатламлари; “Базавий қабул қилиш-узатиш станцияси” тематик қатлами; “Кабель алоқа линиялари” тематик қатлами; “Радиореле алоқа линиялари” тематик қатлами; “Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари” тематик қатламлари; “Почта алоқаси шаҳар ва туман боғламалари” тематик қатламлари; “Почтамтлар” тематик қатламлари; “Почта алоқаси шаҳар ва қишлоқ бўлинмалари” тематик қатламлари; “Алмашув пунктлари” тематик қатламлари; “Почта пунктлари” тематик қатламлари; “Курьер алоқаси объектлари” тематик қатламлари.

12. Энергетика объектлари давлат кадастри бўйича:

“Иссиқлик электростанциялари ва иссиқлик электр марказлари” тематик қатлами; “Гидравлик электростанциялар” тематик қатлами; “Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари” тематик қатлами; “Магистрал электр тармоқлари” тематик қатлами.

13. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри бўйича:

“Чиқиндиларни кўмиш жойлари” тематик қатлами; “Чиқиндиларни утилизация қилиш жойлари” тематик қатлами.



14. Табиий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри бўйича:

“Хавфли геологик жараёнлар зоналари” тематик қатлами; “Хавфли геологик жараёнлар кичик зоналари” тематик қатлами; “Айрим хавфли геологик жараёнлар юзага чиқиш ҳоллари” тематик қатлами; “Сейсмоген зоналар” тематик қатлами; “Тебраниш зоналари” тематик қатлами; “Ер қобиғининг актив ёрилиш жойлари” тематик қатлами; “Кучли зилзилалар изосейстлари (>5)” тематик қатлами; “Зилзилалар эпицентрлари” тематик қатлами; “Сейсмик станциялар” тематик қатлами; “Ҳаво ҳарорати 40 градус ва ундан ортиқ бўлган кунлар сони” тематик қатлами; “Ҳавода охири баҳор аёзининг бўлиши санаси” тематик қатлами; “Тупроқда охири баҳор аёзининг бўлиши санаси” тематик қатлами; “Ҳавода биринчи куз аёзининг келиши санаси” тематик қатлами; “Тупроқ сиртида биринчи куз аёзининг бўлиши санаси” тематик қатлами; “12 соат ва ундан кам вақт мобайнида 30 мм ва ундан ортиқ ёмғир кўринишидаги кучли ёғинлар бўлган суткалар сони” тематик қатлами; “12 соат ва ундан кам вақт мобайнида 20 мм ва ундан ортиқ қор кўринишидаги кучли ёғинлар бўлган суткалар сони” тематик қатлами; “Ярим сутка мобайнида ёмғир кўринишидаги кучли ёғинлар бўлган суткалар сони” тематик қатлами; “Ярим сутка мобайнида қор кўринишидаги кучли ёғинлар бўлган суткалар сони” тематик қатлами; “15 м/сек ва ундан ортиқ тезликдаги кучли шамол бўлган суткалар сони” тематик қатлами; “Турли меъёрлардан юқори шамол тезлигидаги кучли шамоллар бўлган суткалар сони” тематик қатлами; “Атмосфера қурғоқчилиги бўлган кунларнинг умумий сони” тематик қатлами; “Гидрологик постларнинг жойлашуви карта-схемаси” тематик қатлами; “Сув миқдорининг гидрологик тавсифлари ва ҳисобот йилининг вегетация даврида фоизлардаги таъминлануви” тематик қатлами; “Селлар” тематик қатлами; “Кўчкилар” тематик қатлами; “Кўп йиллик давр мобайнида ҳаво ҳарорати 40 градус ва ундан ортиқ бўлган кунлар сонининг тақсимланиши карта-схемаси” тематик қатлами; “Ҳаво ҳарорати 40 градус ва ундан ортиқ бўлган кунлар сонининг тақсимланиши карта-схемаси” тематик қатлами; “Кунлар тақсимланишининг кўп йиллик давр давомида атмосфера қурғоқчилиги кўрсаткичи кўрсатилган карта-схемаси” тематик қатлами; “Кунлар тақсимланишининг ҳисобот йили давомида атмосфера қурғоқчилиги кўрсаткичи кўрсатилган карта-схемаси” тематик қатлами; “Тошқинлар, сув босиш хавфининг тақсимланиши карта-схемаси” тематик қатлами; “Кўчки хавфининг тарқалиши карта-схемаси” тематик қатлами.

15. Ҳайвонот дунёси давлат кадастри бўйича:

“Сут эмизувчилар” тематик қатламлари; “Қушлар” тематик қатламлари; “Рептилиялар” тематик қатламлари; “Сувда ва қуруқликда яшовчи ҳайвонлар” тематик қатламлари; “Балиқлар” тематик қатламлари; “Умуртқасизлар” тематик қатлами.



16. Темир йўллар давлат кадастри бўйича:

“Станциялар” тематик қатлами; “Перегонлар” тематик қатлами; “Темир йўллар” тематик қатлами; “Ўтиш жойлари” тематик қатлами.

17. Конлар, фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари давлат кадастри бўйича:

“Металлга оид фойдали қазилмалар (конлар)” тематик қатлами; “Металлга оид фойдали қазилмалар (юзага чиқиш ҳоллари)” тематик қатлами; “Нометалл фойдали қазилмалар (конлар)” тематик қатлами; “Нометалл фойдали қазилмалар (юзага чиқиш ҳоллари)” тематик қатлами; “Радиоактив хом ашё (конлари)” тематик қатлами; “Радиоактив хом ашё (юзага чиқиш ҳоллари)” тематик қатлами; “Нефть ва газ конлари” тематик қатлами; “Тарқоқ конлар” тематик қатлами; “Тошкўмир ва ёнувчи сланецлар конлари” тематик қатлами; “Тошкўмир ва ёнувчи сланецларнинг юзага чиқиш ҳоллари” тематик қатлами.

18. Давлат ер кадастри бўйича:

“Худудий даражадаги маъмурий-худудий бирликлар” тематик қатлами; “Туман (шаҳар) даражасидаги маъмурий-худудий бирликлар” тематик қатлами; “Қишлоқ ва шаҳар фуқаролар йиғинларининг маъмурий-худудий бирликлари” тематик қатлами; “Минтақа худудини кадастр бўйича бўлиш” тематик қатлами; “Туман (шаҳар)ни кадастр бўйича бўлиш” тематик қатлами; “Зоналар худудларини кадастр бўйича бўлиш” тематик қатлами; “Массивлар худудини кадастр бўйича бўлиш” тематик қатлами; “Мавзелар худудини кадастр бўйича бўлиш” тематик қатлами; “Ер участкалари” тематик қатлами; “Ер участкаларини ер фондидан тақсимлаш” тематик қатлами; “Худудни иқтисодий зоналаш” тематик қатлами; “Ерларнинг сифат таркиби (бонитировка)” тематик қатлами.

19. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри бўйича:

Бинолар ва иншоотлар тематик қатламлар.

20. Картография-геодезия давлат кадастри бўйича:

1:1 000 000, 1:500 000, 1:200 000, 1:100 000, 1:50 000, 1:25 000 ва 1:10 000 масштабли топографик карталар ноширлик оригиналларининг мавжудлиги картограммалари тематик қатламлари; 1:1000 000, 1:500 000, 1:200 000, 1:100 000, 1:50 000, 1:25 000 ва 1:10 000 масштабли топографик карталар тираж оттискларининг мавжудлиги картограммалари тематик қатламлари; “Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари топографик планларининг ноширлик оригиналлари ва тиражлаш оттискларининг мавжудлиги картограммалари” тематик қатлами;



“Аэрофотосъёмка материалларининг мавжудлиги картограммалари” тематик қатлами; “Ўзбекистон Республикаси ҳудуди космик съёмкаси материалларининг мавжудлиги картограммалари” тематик қатлами; “Триангуляция давлат геодезик тармоғи ва давлат съёмка тармоғи пунктлари бўйича картограммалар” тематик қатлами; “Полигонометрия пунктлари” тематик қатлами; “Нивелирлаш пунктлари” тематик қатлами; “Ўзбекистон Республикасининг рақамли топографик карталари” тематик қатлами; “Ўзбекистон Республикаси шаҳарларининг рақамли топографик планлари” тематик қатлами.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Қ.Рахмонов,Б.Успанкулов,Давлат кадастрлари асослари: Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. Тошкент, 2018, 229 бет.

2.Бобожонов А.Р., Рахмонов Қ.Р., Ғофуров А.Ж. Ер кадастри. Дарслик. Тошкент, ТИМИ, 2013 й. - 208 б.

3.Чертовичкий А.С., Базаров А.К. Система землепользования Узбекистана. Тошкент, Фан – 2007.

4.Чертовичкий А.С. Система земельно-кадастровой информации. Ташкент, МСВХ, ТИИИМСХ, - 1989.

5. Чертовичкий А.С., Свайнов А.А. Ер ахборот тизими . Ўқув қўлланма. Тошкент, ТМИИ, 2014 й. – 140 б.

3-мавзу: Давлат кадастрлари ягона тизимига тақдим этиладиган маълумотлар таркиби.

Режа:

- 1. Давлат кадастрлари ягона тизимига тақдим этиш тартиби.**
- 2. Давлат кадастрлари ягона тизимига тақдим қилинадиган маълумотлар таркиби**

Таянч иборалар: ДКЯТ, кадастр, ер участкаси, бозор иқтисодиёти, ердан фойдаланувчи субъект, кадастр объектлари, кўчмас мулк объекти, ер кадастри, ер баҳолаш, кадастр рақами, табиий ресурслар кадастрлари, чизикли турдаги кадастр объектлари, электрон ҳарита, электрон дастур, алгоритм.

2. Давлат кадастрлари ягона тизимига тақдим қилинадиган маълумотлар таркиби

Давлат кадастрлари бўйича ДКЯТга тақдим этиладиган маълумотлар таркиби ва унга маъсул вазирликлар ва идоралар қуйидагилар ҳисобланади:



1. Давлат ер кадастри бўйича –Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси: ер участкасининг кадастр рақами; ер участкасининг ўрнашган жойи; юридик ёки жисмоний шахснинг – ер участкасига бўлган ҳуқуқ эгасининг номи ва манзили; мақсад вазифаси; ерлар тоифасининг тури; ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар; ер участкасининг чегаралари, майдони (иморатлар солинган ва иморат солинмаган) тўғрисидаги маълумотлар; ер участкасининг унинг чегаралари бурилиш нуқталарининг координаталари кўрсатилган кадастр плани (картаси); қишлоқ хўжалик ихтисослашуви зонаси; қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ерлари учун бонитет балли; қиймат баҳоси.

2. Қонлар, фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари давлат кадастри бўйича –Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси: кадастр объектининг номи; юридик ёки жисмоний шахснинг – ер участкаси мулкдорининг, эгасининг, фойдаланувчисининг ёки ижарага олувчисининг номи ва манзили; объектнинг коди (идентификацион рақами); кадастр объектининг ўрнашган жойи (вилоят, туман, географик координаталари); кадастр объекти ишга солинган йил; кадастр объектининг майдони; кадастр объектининг идоравий мансублиги; асосий фойдали қазилма ва ҳамроҳ фойдали қазилмалар ҳамда ҳамроҳ фойдали компонентлар; фойдали қазилмаларнинг турлари ва миқдорлари тўғрисидаги маълумотлар; тасдиқланган захиралар (миқдори, тасдиқлаш инстанцияси, санаси); кадастр объектида қозиш усули; минерал хом ашёдан фойдаланиш соҳаси; тасдиқланган захираларнинг йил бошига қолдиғи (техноген ҳосилаларнинг баҳоланган ҳажмлари қолдиғи); кадастр объектининг ўзлаштирилганлик даражаси; кадастр объектининг жойлашиш схемаси; кадастр объектининг иқтисодий баҳоси (рентабеллилиги, капитал маблағларнинг қопланиш муддати).

3. Давлат сув кадастри бўйича –Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (“Ўзгидромет”) – бош ташкилот; Давлат геология қўмитаси; Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

а) табиий сув манбалари (“Ўзгидромет” маркази): кадастр объектининг номи; юридик ва жисмоний шахснинг – мулкдор, эгалик қилувчи, фойдаланувчи ёки ижарага олувчининг номи ва манзили; кадастр объектининг идоравий мансублиги; кадастр объектининг мақсад вазифаси; кадастр объектининг ўрнашган жойи; кадастр объекти ишга солинган сана (сунъий сув объектлари учун); дарё ва кўллардаги сув сатҳи (белгиланган муддатларда, шунингдек критик вазиятлада); дарё ва каналларда сувнинг асосий гидрологик постлар бўйича ўртача ойлик, ўртача йиллик ва экстремал сарфланиши.



б) Ер ости сувлари бўйича (Давлат геология кўмитаси): кадастр объектининг номи (юзага келган жойи ёки участкаси); объектнинг кадастр рақами; кадастр объектининг ўрнашган жойи (вилоят, туман, географик координаталари); кадастр объекти ишга солинган сана (сунъий сув объектлари учун); юридик ёки жисмоний шахснинг – мулкдор, эгалик қилувчи, фойдаланувчи ёки ижарага олувчининг номи ва манзили; фойдали қазилманинг (ер ости сувларининг) тури: чучук, минераллашган, термал, минерал, саноатга оид; тасдиқланган эксплуатацион заҳиралар тўғрисида маълумотлар (миқдори, заҳираларни тасдиқлаган орган, тасдиқлаш санаси); сув олиш (эксплуатацион) иншоотининг тури ва эгаллаган майдони; сувдан фойдаланиш мақсади ва олинадиган сувнинг миқдори; кадастр объектининг жойлашиш, сув олиш иншоотларининг санитар муҳофазанинг чегаралари кўрсатилган жойлашиш схемаси;

в) сув ресурсларидан фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолати (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги): Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ойлар, йил чораклари бўйича ва бутун йил давомида сув ресурсларидан ҳақиқатда фойдаланиш тўғрисида сувдан фойдаланиш турлари: суғориш, коммунал хўжалик, саноат, энергетика, балиқ хўжалиги бўйича бўлинган маълумотлар; сув ресурсларининг қиймат баҳоси; сувдан фойдаланувчиларнинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

4. Давлат ўрмон кадастри бўйича – Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ўрмон хўжалиги бош бошқармаси:

кадастр объектининг номи; юридик ва жисмоний шахснинг – мулкдор, эгалик қилувчи, фойдаланувчи ёки ижарага олувчининг номи ва манзили; кадастр объектининг идоравий мансублиги; кадастр объектининг мақсад вазифаси; кадастр объектининг ўрнашган жойи ва майдони; ўрмон фонди майдонларининг ўрмонларнинг ҳимояланиш тоифалари, ер турлари ва улардан фойдаланишнинг тавсифи бўйича структураси; ўрмон майдонларининг кўп учрайдиган дарахт турлари, ёш таркиби ва ёғоч заҳиралари бўйича тақсимланиши; ўрмон экинларининг турлар ва барпо этилган йиллар бўйича ҳолати; ўрмон фонди ерларида жойлашган алоҳида кўриқланадиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги маълумотлар; ўтказилган дарахтлар бонитети; кадастр объектининг қиймат баҳоси; кадастр объектининг ижтимоий-экологик баҳоси; кадастр плани (картаси).

5. Ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри бўйича – Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси– бош ташкилот; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси; Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси; “Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси:



а) озиқ-овқат мақсадида фойдаланиладиган ёввойи доривор ва декоратив ўсимликлар бўйича – Фанлар академияси ва Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси;

б) техник мақсадларда фойдаланиладиган ёввойи ўсимликлар бўйича – Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси;

в) табиий яйлов ва пичанзорлар ўсимликлари бўйича – “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси;

г) нодир ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ёввойи ўсимлик турлари бўйича – Фанлар академияси: ёввойи ўсимликларнинг турлари ва типлари; ўсимликларнинг мақоми; ўсимлик тўдалари; ўсимлик дунёсининг экологик ҳолати; ўсимликларнинг истеъмолчилик хусусиятлари ва уларнинг баҳоси; Қизил китобга киритилган ўсимлик турлари; ўсимлик дунёсидан фойдаланиш соҳаси ва тавсифи; ўсимлик дунёси объектларининг майдонлар кўрсатилган тарқалиш схемаси; ўсимлик дунёсининг қиймат баҳоси.

6. Ҳайвонот дунёси давлат кадастри бўйича – ваколатли ташкилотлар: Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси – бош ташкилот, Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон балиқчилик ва овчилик уюшмаси; давлат қўриқхоналари, табиий парклар, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) Қизил китобга киритилган ҳайвонот турлари бўйича – Фанлар академияси;

б) белгиланган тартибда овчилик объектларига киритилган ҳайвонлар бўйича – Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, Ўзбекистон балиқчилик ва овчилик уюшмаси;

в) давлат қўриқхоналари ва табиий парклар ҳудудларида ҳисобга олиниши ва ҳайвонот дунёси давлат кадастрига киритилиши лозим бўлган барча ҳайвонот турлари (кичик турлари) бўйича – давлат қўриқхоналари, табиий парклар;

г) овладиган балиқ турлари бўйича – Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;

д) ўта хавfli инфекцион касалликларни ташувчи ҳайвонлар бўйича – Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

е) қишлоқ хўжалиги заракунандалари бўлмиш ҳайвонлар бўйича – Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;

ж) бошқа ҳайвонот турлари (гуруҳлари) бўйича – Фанлар академияси:

ҳайвонларнинг турлари (турлар гуруҳлари); турнинг (кичик турнинг) мақоми; ҳайвонларнинг турлар бўйича сони; тур (кичик тур) биологияси ва популяция ҳолатини



хусусиятлари; Қизил китобга киритилган ҳайвонлар рўйхати ва уларнинг жойлашиш зоналари; ҳайвонлардан фойдаланиш соҳаси ва тавсифи; мамлакат ҳудудида ҳайвонларнинг ўрнашув жойи ва жойлашув зичлиги (турлар бўйича) схемалари; қиймат баҳоси.

7. Қўриқланадиган табиий ҳудудлар давлат кадастри бўйича – Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси: кадастр объектининг номи; юридик ва жисмоний шахснинг – мулкдор, эгалик қилувчи, фойдаланувчи ёки ижарага олувчининг номи ва манзили; объектнинг кадастр рақами; кадастр объектининг ўрнашган жойи (вилоят, туман, географик координаталари) ва майдони; қўриқланадиган табиий ҳудудда хўжалик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг номи ва манзили; қўриқланадиган табиий ҳудуд мақоми ким томондан ва қачон белгиланган; хўжалик юритишнинг белгиланган чекловлари; кадастр объектининг санитар муҳофазанинг 2- ва 3-пояслари чегаралари кўрсатилган жойлашиш схемаси.

8. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри бўйича – “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси: кадастр объектининг номи; юридик ёки жимоний шахснинг – мулкдор, эгалик қилувчи, фойдаланувчи ёки ижарага олувчининг номи ва манзили; кадастр объектининг идоравий мансублиги; бино, иншоотнинг кадастр рақами; кадастр объекти ишга солинган сана; кадастр объектига бўлган мулккий ҳуқуқларнинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар; кадастр объектининг функционал вазифаси; кадастр объектининг конструкцияси; қаватлар сони; муҳандислик ускуналари тўғрисида маълумотлар; бино ва иншоотлар деформацияларини натурада кузатишлар тўғрисидаги маълумотлар; бино, иншоотларнинг ҳолати (эскириш, зилзилага чидамлилики); кадастр объектининг қиймат баҳоси; турли аҳамиятдаги бино ва иншоотларнинг муҳофаза зоналарида жойлашувининг алоҳида шартлари тўғрисидаги маълумотлар; кадастр объекти тўғрисидаги батафсил ҳужжатлаштирилган маълумотларнинг мавжудлиги ва турган жойи.

9. Давлат шаҳарсозлик кадастри бўйича – Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси: шаҳарсозлик фаолияти объектлари рўйхати (реестри); аҳоли пункти ҳудудидан шаҳарсозлик бўйича (функционал) фойдаланишнинг амалдаги регламентлари, шу жумладан: иморатлар солишни тартибга солувчи қизил чизиқлар; функционал зоналаш картаси; ҳудуддан фойдаланиш тури бўйича ер участкаларини ўзлаштиришнинг қонуний ўрнатилган тартибига эга (шу жумладан хўжалик фаолиятини чеклашлар) ҳуқуқий зоналаш картаси; сейсмик зоналаш картаси; ҳудудни шаҳарсозлик-иқтисодий жиҳатдан баҳолаш картаси.



10. Гидротехника иншоотлари давлат кадастри бўйича – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолати ҳамда бехатар ишлашни назорат қилиш давлат инспекцияси (“Давсувхўжаликназорат”), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси:

а) I, II, III капиталлик класслари гидротехника иншоотлари (ГТИлари) – “Давсувхўжаликназорат” инспекцияси;

б) III дан қуйи капиталлик классли ГТИлари – Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси – иншоотларнинг мансублиги бўйича: кадастр объектнинг номи; юридик ёки жимоний шахснинг – мулкдор, эгалик қилувчи, фойдаланувчи ёки ижарага олувчининг номи ва манзили; кадастр объектнинг идоравий мансублиги; кадастр объектнинг ўрнашган жойи (вилоят, туман, географик координаталари) ва майдони; кадастр рақами; кадастр объекти ишга солинган сана; кадастр объектнинг мақсад вазифаси; кадастр объектига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар; кадастр объектнинг қиймат баҳоси; турли аҳамиятдаги бино ва иншоотларнинг муҳофаза зоналарида жойлашувига оид алоҳида шартлар тўғрисидаги маълумотлар; кадастр объекти тўғрисидаги батафсил ҳужжатлаштирилган маълумотларнинг мавжудлиги ва турган жойи.

11. Маданий мерос объектлари давлат кадастри бўйича – Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Бош илмий-ишлаб чиқариш бошқармаси: кадастр объектнинг номи; юридик ва жисмоний шахснинг – мулкдор, эгалик қилувчи, фойдаланувчи ёки ижарага олувчининг номи ва манзили; кадастр объектнинг идоравий мансублиги; объектнинг кадастр рақами; кадастр объектнинг ўрнашган жойи ва майдони; кадастр объектнинг типологик мансублиги (археология ёдгорлиги, тарихий ёдгорлик, архитектура ёдгорлиги, монументал санъат ёдгорлиги); ёдгорлик бунёд бўлган сана ва ёдгорлик вужудга келиши билан боғлиқ бўлган тарихий воқеанинг санаси; ёдгорликнинг мақсад вазифаси (маданий-маърифий, туристик-экскурсион, дваолаш-соғломлаштириш, турар жой, хўжалик хоналари, фойдаланилмайди); ёдгорликнинг техник ҳолати; қиймат баҳоси; ёдгорликдан фойдаланиш самарадорлиги (ижтимоий, иқтисодий); объектнинг кадастр плани.

12. Автомобиль йўллари давлат кадастри бўйича – Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси (“Ўзавтойўл” давлат-акциядорлик компанияси): кадастр объектнинг номи; юридик ва жисмоний шахснинг – мулкдор, эгалик қилувчи, фойдаланувчи ёки ижарага олувчининг номи ва манзили; кадастр объектнинг мақсад вазифаси; кадастр рақами; кадастр объектнинг ўрнашган жойи ва майдони; кадастр



объекти ишга солинган сана; ер участкаси ва кадастр объектига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар; кадастр объектининг тоифаси; автомобиль йўли полотносининг узунлиги; кадастр объектининг аҳамияти (давлатлараро, давлат, республика, вилоят, маҳаллий); кадастр объектидан фойдаланиш режими; қиймат баҳоси; объектнинг масофага чўзилган чизиқли маълумотлари ҳамда бурилиш нуқталари координаталари таърифланган ва кўрсатилган кадастр плани (картаси).

13. Темир йўллар давлат кадастри бўйича – “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компанияси: кадастр объектининг номи; юридик ва жисмоний шахснинг – мулкдор, эгалик қилувчи, фойдаланувчи ёки ижарага олувчининг номи ва манзили; кадастр объектининг мақсад вазифаси; кадастр рақами; кадастр объектининг ўрнашган жойи ва майдони; кадастр объекти ишга солинган сана; ер участкаси ва кадастр объектига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар; кадастр объектидан фойдаланиш режими; темир йўл полотносининг тоифаси ва турлари; темир йўлларнинг узунлиги; кадастр объектининг аҳамияти (давлатлараро, давлат, республика, вилоят, маҳаллий); қиймат баҳоси; объектнинг масофага чўзилган объектларнинг чизиқли маълумотлари ҳамда бурилиш нуқталари координаталари таърифланган ва кўрсатилган кадастр плани (картаси).

14. Етказиб бериш қувурлари давлат кадастри бўйича – “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси: кадастр объектининг номи; юридик ва жисмоний шахснинг – мулкдор, эгалик қилувчи, фойдаланувчи ёки ижарага олувчининг номи ва манзили; кадастр объектининг мақсад вазифаси; кадастр рақами; кадастр объектининг ўрнашган жойи ва майдони; кадастр объекти ишга солинган сана; ер участкаси ва кадастр объектига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар; кадастр объектидан фойдаланиш режими; қиймат баҳоси; объектнинг масофага чўзилган объектларнинг чизиқли маълумотлари ҳамда бурилиш нуқталари координаталари таърифланган ва кўрсатилган кадастр плани (картаси).

15. Алоқа объектлари давлат кадастри бўйича – Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Илмий-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази: кадастр объектининг номи; юридик ва жисмоний шахснинг – мулкдор, эгалик қилувчи, фойдаланувчи ёки ижарага олувчининг номи ва манзили; кадастр объектининг мақсад вазифаси; кадастр рақами; кадастр объектининг ўрнашган жойи ва майдони; кадастр объекти ишга солинган сана; ер участкаси ва кадастр объектига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар; кадастр объектининг таркиби; иншоот ва



коммуникацияларнинг типлари; конструкцияси; каналлар сони; объектдан фойдаланиш режими; объектнинг техник ҳолати; шовқинли, радиацион ва электромагнитли таъсири; қиймат баҳоси; почта ва телекоммуникация объектларининг кадастр плани (картаси).

16. Энергетика объектлари давлат кадастри бўйича – “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси: кадастр объектнинг номи; юридик ва жисмоний шахснинг – мулкдор, эгалик қилувчи, фойдаланувчи ёки ижарага олувчининг номи ва манзили; кадастр объектнинг мақсад вазифаси; кадастр рақами; кадастр объектнинг ўрнашган жойи ва майдони; кадастр объекти ишга солинган сана; ер участкаси ва кадастр объектига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар; иморатлар эгаллаган майдон; йиллик ишлаб чиқариладиган электр энергияси; йиллик ишлаб чиқариладиган иссиқлик; иншоотлар типи; конструкцияси; кадастр объектнинг техник ҳолати; қиймат баҳоси; объектнинг кадастр плани (картаси).

17. Чикиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри бўйича – Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси: кадастр объектнинг (чикинди ва у кўмилган жойнинг) номи; юридик ва жисмоний шахснинг – мулкдор, эгалик қилувчи, фойдаланувчи ёки ижарага олувчининг номи ва манзили; кадастр объектнинг идоровий мансублиги; кадастр объектнинг ўрнашган жойи ва майдони; кадастр объекти ишга солинган сана; чикиндининг тури; чикиндиларнинг тавсифи, типи, агрегат ҳолати, ўлчов бирлиги; чикиндидан иккиламчи ресурс сифатида фойдаланувчи объектлар рўйхати, уларнинг эҳтиёжлари; баҳоси (қиймат, экологик, ижтимоий); санитар-ҳимоялаш зоналари тўғрисидаги маълумотлар; объектнинг кадастр плани (картаси).

18. Табiiй хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри бўйича – Давлат геология қўмитаси, “Ўзгидромет” маркази, Фанлар академияси Сейсмология институти:

а) хавфли геологик жараёнларнинг юзага чиқиш зоналари (Давлат геология қўмитаси): хавфли зонанинг номи; хавфли геологик жараёнларнинг юзага чиқиш зоналарининг ва зараланишнинг мумкин бўлган майдонининг ўлчамлари; ўрнашган жойи (юзага чиқиш жойи, вилоят, туман, координаталари, эгаллаган майдони); хавфли геологик жараёнлар ривожланишининг устунлик қилувчи тури; хавфли геологик жараёнларнинг таъсир қилиш зонасида жойлашган объектлар рўйхати; хавфли геологик жараёнларнинг юзага чиқиш зоналарининг 1:200 000 масштабдаги жойлашиш схемаси.

б) гидрометеорологик ходисалар хавфи юқори бўлган зоналар (“Ўзгидромет” маркази): хавфли зоналарнинг номи; ўрнашган жойи (вилоят, туман); гидрометеорологик



ҳодисаларнинг устунлик қилувчи тури; хавфли гидрометеорологик ҳодисаларнинг юзага чиқиш зоналарининг ва зараланишнинг мумкин бўлган майдонининг ўлчамлари; кадастр карталари (хавфли гидрометеорологик ҳодисалар вужудга келиши мумкин бўлган зоналар ҳисобга олинган); хавфли гидрометеорологик ҳодисаларнинг таъсир қилиш зонасида жойлашган объектлар рўйхати;

в) сейсмик хавф юқори бўлган зоналар (Фанлар академияси Сейсмология институти): сейсмик хавф мавжуд бўлган зонанинг номи; сейсмик хавф мавжуд бўлган зонанинг маконий жойлашуви ва тавсифий ўлчовлари; сейсмик хавф турининг устунлик қилувчи тури (вужудга келган зонаси, тебраниш зонаси, турли хилдаги сейсмик дислокацияларнинг ҳолатлари); зилзилалар каталоги; кучли зилзилаларнинг манбавий (плейстосейстли) минтақаси; сейсмоген зоналарнинг ва сейсмик тебранишлар таъсир қилиш зоналарининг 1:1 000 000 масштабдаги жойлашиш картаси, ва алоҳида ҳудудлар учун 1:500 000, 1:200 000 масштабларда.

19. Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри – Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (“Саноатконтехназорат”) – бош ташкилот, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиялогия станцияси республика маркази Фанлар академияси Ядро физикаси институти:

а) ишлаб чиқариш объектларида, портлаш-ёнғин хавфи ва радиация хавфи мавжуд объектларда авария ҳоллари эҳтимоли бор хавф юқори бўлган зоналар бўйича – “Саноатконтехназорат” давлат инспекцияси;

б) эвакуация ёки одамларни кўчиришни талаб қиладиган хавф юқори бўлган зоналар бўйича – Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;

в) портлаш хавфи ва ёнғин хавфи юқори бўлган зоналар (объектлар) бўйича – Ички ишлар вазирлиги Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати;

г) кучли таъсир қилувчи захарли химикатлар, пестицидлар, радиоизотоп маҳсулотлар, радиоактив ва бошқа моддалар ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш объектлари бўйича – Санитария-эпидемиялогия станцияси республика маркази;

д) ядро физикаси корхоналарида радиацион хавф юқори бўлган зоналар бўйича – Фанлар академияси Ядро физикаси институти; кадастр объектининг техноген хавф юқори бўлган зоналарнинг эҳтимолий юзага чиқиши тури кўрсатилган номи; юқори техноген хавф яратувчи хавли кадастр объектининг идоравий мансублиги ва у ишга солинган сана; техноген



хавф юқори бўлган зоналарнинг мақсад вазифаси; объектнинг кадастр рақами; объектнинг ўрнашган жойи (вилоят, туман, географик координаталари); объект рўйхатдан ўтказилган сана; хавфли жараёнлар ривожланишининг устунлик қилувчи тури; техноген хавф юқори бўлган зона зарарлаши мумкин бўлган эҳтимолий майдоннинг ўлчамлари; техноген хавф юқори бўлган зонада жойлашган саноат ва фуқаролик объектлари рўйхати; санитар-ҳимоялаш ва муҳофаза зоналари тўғрисидаги маълумотлар; хавфли жараёнларнинг юзага чиқиши билан етказилган зиёнлар (иқтисодий ижтимоий) тўғрисидаги маълумотлар; техноген хавф юқори бўлган зонанинг хавфли жараёнларнинг юзага чиқиш майдони (зонаси) кўрсатилган кадастр плани.

20. Картография-геодезия давлат кадастри бўйича – “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси: топографик карта ва планларнинг номенклатура ҳамда масштаблари; объектлари рўйхати ҳамда топография-геодезия ва картография ишларининг ишлар бажарилган йил кўрсатилган мақсад вазифаси; давлат геодезия тармоғи пунктлари ўрнатилган ва геодезик ўлчовлар бажарилган йил, ўрнашган жойининг таърифи, ҳолати, координаталари ва баландликлари; топографик-геодезик ва картографик ахборот янгиланган йил; карталар нашр этилган йил. ДҚЯТга узатиладиган маълумотлар рўйхати тегишли давлат кадастрларининг ДҚЯТга оид маълумотларининг таркиби ва уларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомлар асосида кенгайтирилиши ёки унга аниқликлар киритилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қ.Раҳмонов,Б.Успанкулов.Давлат кадастрлари асослари: Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. Тошкент, 2018, 229 бет.
2. Бобожонов А.Р., Раҳмонов Қ.Р., Ғофуров А.Ж. Ер кадастри. Дарслик. Тошкент, ТИМИ, 2013 й. - 208 б.
3. Чертовичкий А.С., Базаров А.К. Система землепользования Узбекистана. Тошкент, Фан – 2007.
4. Чертовичкий А.С. Система земельно-кадастровой информации. Ташкент, МСВХ, ТИИИМСХ, - 1989.
5. Чертовичкий А.С., Свайнов А.А. Ер ахборот тизими . Ўқув қўлланма. Тошкент, ТМИИ, 2014 й. – 140 б.



IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-Амалий машғулот. Давлат кадастрлари ягона тизими(ДКЯТ)ни жорий қилиш алгоритми.

ДКЯТ ахборот таъминоти услубларини тадбиқ қилиш.ДКЯТ ахборот базасининг намунавий алгоритмини ишлаб чиқиш.Маълумотлар банкининг таркиби.

2-Амалий машғулот.Табиий ресурслар кадастрлари маълумотларни шакллантириш методикаси.

Кадастр турлари бўйича ер участкалари ва табиий ресурслар тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш. Ахборотларни йиғиш,тизимлаш,таҳлил қилиш ва етказиш услубларин қўллаш.

3-Амалий машғулот.Чизиқли турдаги давлат кадастрларини юритиш хусусиятларини аниқлаш.

Автомобил ва темир йўллари,транспорт қувурлар,энегетик ва алоқа объектлари кадастрлари маълумотларини йиғиш,тизимлаш,таҳлил қилиш ва етказиш услубларин қўллаш.

Кўчма амалий машғулотлар (6 соат).

Давлат кадастрлари ягона тизимида ахборотлар базасини яратиш ва таъминоти масалаларини бевосита ишлаб чиқариш корхоналарида ўрганиш.

Ишдан мақсад: “Давлат кадастрлари,геодезия ва картография” Миллий марказида амалдаги ДКЯТ билан танишиш.ДКЯТ таркибига кирувчи кадастр турлари бўйича маълумотларни йиғиш,тизимлаш,таҳлил қилиш ва етказиш услубларин ўрганиш ва таҳлил қилиш кўникмаларини яратиш. ДКЯТ да электрон дастурларнинг ишлаш механизмлари аниқ объектлар мисолида ўрганилади.

Ишни бажариш тартиби: Ер,бино-иншоат,картография ва геодезия ҳамда худудлар кадастрларини юритиш жараёни билан танишиш.Кўчма машғулотлар «Давлат кадастрлари,геодезия ва картография» миллий марказида ўтказилади. Мавзуга оид айрим масалалар “Геоинформкадастр” ДУК да ўрганилади.



V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1. ДКЯТ таркибида ахборотлар базасини яратиш ва таъминоти жараёнида маълумотларни йиғиш бўйича муаммоларни ҳал этишга оид кейс.

Кейс топшириғи. ДКЯТ ахборот таъминотида маълумотлар йиғиш бўйича муаммоларни ҳал этишга оид масалаларга эътибор қаратинг:

1. Махсус электрон дастурлар мавжуд эмас.
2. Мутахассислар мавзу бўйича малакавий кўникмага эга эмас.
3. Махсус хона жиҳозланмаган.
4. Маълумотларни масофадан узатиш масалалари он лайн тизимига ўтказилмаган.
5. Услубий кўрсатмалар нусхалари етарли эмас.
 - Ушбу камчиликларни аниқланг, уларни даражаларга бўлинг ва камчиликлар таҳлилини жадвал кўринишида амалга оширинг.
 - Камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқинг.
 - Камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича хулосалар ёзинг.

Кейсни бажариш босқичлари :

- Кейсдаги муаммоларни келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Кейсда келтирилган муаммоларни бартараф қилишда бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).



VI. ГЛОССАРИЙ

ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Автомобиль йўлларидадан фойдаланувчилар	йўл ҳаракатининг иштирокчилари бўлган ёки ажратилган минтақа ҳамда йўл бўйи минтақаси доираларида белгиланган тартибда рухсат этилган фаолиятни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар.	legal entities and individuals who are participants in traffic or carry out activities permitted in accordance with the established procedure within the allocated area and roadside area.
Бино	функционал мақсадига қараб одамлар яшаши ёки бўлишига ва ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга мўлжалланган, ёпиқ ҳажмни ташкил этувчи таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими	a building system consisting of a base, a barrier, or a structure that serves both purposes, forming a closed volume, designed to accommodate people or to perform various types of production processes, depending on their functional purpose
Баҳолаш мақсади ва вазифаси	объект қўйдаги мақсадлар учун баҳоланиши мумкин: Мулкдан солиқ олиш учун; мулк келтираётган фойдадан солиқ олиш учун; ҳадия қилиш учун; меросга бериш учун; тугатилаётган корхона баҳосини ҳисоблаш учун; қайта ташкил этилаётган корхона баҳосини ҳисоблаш учун; корхона банкротлик ҳолатидаги баҳосини ҳисоблаш учун; корхонага инвестиция қилинган бўлса; объект гаровга қўйилаётган бўлса; объектни суғурталаётган бўлса; ва бошқа ҳар хил сабаблар бўлиш мумкин. Объект баҳолашнинг асосий вазифаси объектни сотувчи ёки эгаси ва сотиб олувчи ёки фойдаланувчилар шу объектнинг баҳосини белгилаб олиши учун ёрдам бериш. Объект баҳолаш вазифасини ҳал қилишимизда бу объектни нима учун баҳолаётимиз деган саволга жавоб беришимиз зарур.	the object can be assessed for the following purposes: For property tax; for taxation of property income; to make a gift; to inherit; to calculate the value of the liquidated enterprise; to calculate the value of the reorganized enterprise; to calculate the value of the enterprise in the event of bankruptcy; if an investment is made in the enterprise; if the object is mortgaged; if the object is insured; and various other reasons. The primary function of an appraisal of an item is to help the seller or owner of the item and the buyer or user determine the price of that item. In solving the object evaluation task, we need to answer the question of why we are evaluating this object.



Гидротехника иншоотлари	тўғонлар (плотиналар), гидроэлектр станциялар бинолари, сув ташлаш, сув бўшатиш, сув ўтказиш ва сув чиқариш иншоотлари, туннеллар, каналлар, насос станциялари, сув омборлари қирғоқларини, дарёлар ва каналлар ўзанларининг қирғоқлари ва тубини тошқин ҳамда емирилишлардан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган иншоотлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг суяқ чиқиндилар сақланадиган жойларини ўраб турувчи иншоотлар (кўтармалар).	dams, hydroelectric power station buildings, drainage, drainage, drainage and drainage facilities, tunnels, canals, pumping stations, reservoirs, rivers and canals to protect the banks and bottoms from floods and landslides, industry and structures (elevators) surrounding liquid waste storage facilities of agricultural organizations
Ер участкасини ижарага олиш	Ер участкасидан ижара шартномасининг шартлари бўйича вақтинча ҳақ эвазига фойдаланиш	The terms of the land lease agreement for temporary charge.
Ер фонди	Ер сиртининг, хусусан сув объектлари тубининг Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарларнинг маъмурий чегаралари ичида жойлашган қисми.	Earth's surface, especially in the areas of water precipitated the state border of the Republic of Uzbekistan, the Republic of Karakalpakstan, regions, districts, cities located within the boundaries of the administrative part.
Ерларнинг асосий мақсад вазифаси	Ерлардан ер-кадастр ҳужжатларида акс эттирилгани каби мақсадларни кўзлаб фойдаланишнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартиби ва шартлари.	Land cadastral documents will be displayed as goals procedure and conditions established by the legislation of the use.
Ер участкасидан фойдаланувчи	Ер участкасидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқида фойдаланадиган юридик ёки жисмоний шахс.	The right to use the land permanently or temporarily natural or legal person.
Ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи	Юридик ёки жисмоний шахснинг унга тегишли бўлган ер участкасига ўзининг ихтиёри бўйича ва ўз манфаатлари йўлида эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи.	Legal or natural person owns land in its discretion and for the sake of their own interests to possess, use and dispose of it right.
Ерларни хусусийлаштириш	Жисмоний шахслар ва нодавлат юридик шахслар томонидан ер участкаларини давлатдан хусусий	Individuals and non-state legal entities eruchastkalarini the purchase of private property.



	мулк қилиб сотиб олиш.	
Ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш	Ерлардан ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларсиз фойдаланиш.	Documents confirming the right to the land plot.
Ер участкаси билан боғлиқ битимлар	Жисмоний ва юридик шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлари.	Determination of the rights of individuals and legal entities to land parcels efforts to change or cancel.
Ер участкаси	ҳудуднинг (ер сиртининг) давлат ер кадастрида акс эттирилган берк шаклдаги тайинли чегара, ҳуқуқий режим ва бошқа тавсифларга эга бўлган бир қисмидир.	is a part of the territory (surface) with a fixed boundary, legal regime and other characteristics in a closed form, reflected in the state land cadastre.
Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар Давлат регистри (реестри)	ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимида тегишли ҳужжатдир, унда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар учун тегишли бўлган ҳуқуқий хусусиятдаги маълумотлар, шунингдек ер участкаларининг таърифи ва бошқа маълумотлар сақланади. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар Давлат регистри туман (шаҳар) ер-кадастр дафтарининг таркибий қисми ҳисобланади.	is a document related to the system of state registration of rights to land plots, which contains information of a legal nature applicable to rights to real property, as well as the description of land plots and other information. The State Register of Rights to Land Plots is an integral part of the district (city) land cadastre register.
Иншоот	ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга, материаллар, буюмлар, асбоб-ускуналарни сақлашга, одамларнинг вақтинча бўлишига, одамлар, юклар ва бошқа нарсаларни олиб ўтишга мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат ҳажмий, ясси ёки чизик тарзидаги қурилиш тизими.	volumetric, flat or linear construction system consisting of a base, barrier or both-purpose structures designed to perform various types of production processes, storage of materials, items, equipment, temporary presence of people, transportation of people, cargo and other things .
Кўчмас мулк	ер участкалари ва ер ости бойликлари, кўп йиллик дов-дарахтлар, шунингдек бинолар ва иншоотлардан иборатдир (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 83-моддаси).	land plots and subsoil resources, perennial trees, as well as buildings and structures (Article 83 of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan).



<p>Кадастр рақами</p>	<p>мулк қилиб олинган ёки эгалик қилиш, фойдаланиш учун ёхуд ижара қилиб юридик ёки жисмоний шахсга берилган ер участкасига берилган идентификацион рақам, у ер участкаси учун унинг бир бутун ҳолида мавжуд бўлиши даврида сақланиб қолади.</p>	<p>the identification number assigned to a plot of land acquired as property or given to a legal entity or individual for possession, use or lease shall be retained for the period of its existence for the land plot as a whole.</p>
<p>Кўчмас мулк (кўчмас мулк объекти)</p>	<p>ер участкалари, бино ва иншоотлар, бино ва иншоотларнинг қисми, шу жумладан уй-жойлар, қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда тугалланмаган қурилиш объектлари, мулкый комплекс бўлган корхоналар, кўп йиллик дов-дарахтлар.</p>	<p>land plots, buildings and structures, parts of buildings and structures, including housing, unfinished construction projects in the cases established by the legislation, enterprises with property complexes, perennial trees.</p>
<p>Кўчмас мулк объектини шакллантириш</p>	<p>ер участкаларини, биноларни, иншоотларни, бино ва иншоотларнинг қисмларини ҳудудларнинг кадастр бўйича бўлинишининг қабул қилинган бирликларида ҳуқуқ объекти сифатида ташкил этиш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини тан олиш мақсадида бажариладиган амалларнинг расман белгиланган кетма-кетлиги.</p>	<p>officially established sequence of actions for the organization of land plots, buildings, structures, parts of buildings and structures as an object of law in the adopted units of cadastral division of territories and the recognition of the rights of legal entities and individuals to real estate.</p>
<p>Кадастр йиғмажилди</p>	<p>кадастр объектига бўлган ҳуқуқни шакллантириш, ҳисобга олиш ва кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўладиган кадастр объектини кадастр суратига олиш, техник инвентаризация қилиш ва паспортлаштиришнинг, махсус текшириш ва изланишларнинг, сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолашнинг ҳужжатлари, материаллари ва маълумотларидан иборат бўлади.</p>	<p>documents, materials and information on cadastral photography, technical inventory and certification, special inspections and surveys, quality and value assessment of the cadastral object, necessary for the formation, registration and subsequent state registration of the right to the cadastral object.</p>
<p>Кадастр китоби</p>	<p>кадастр объектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг асосий ҳужжати ҳисобланиб, у кадастр объектларининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор ҳамда сифат жиҳатдан тавсифлари ва баҳоси ҳақидаги маълумотлардан</p>	<p>is the main document of registration and accounting of cadastral objects, which consists of information on the geographical location, legal status, quantitative and qualitative characteristics and value of</p>



	иборат бўлади.	cadastral objects.
Маданий мерос объектлари	тарихий, илмий, бадий ёки ўзга маданий қимматга эга бўлган ёдгорликлар, ансамбллар ва диққатга сазовор жойлар.	monuments, ensembles, and attractions of historical, scientific, artistic, or other cultural value.
Сервитут	Юридик ва жисмоний шахсинг бир ёки бир нечта бегона ер участкаларидан келишув ёки суд қарори асосида белгиланадиган чекланган фойдаланиш ҳукуқи.	Legal and physical persons in one or several foreign land, determined on the basis of agreement or decision of the court limited the right to use.
Темир йўл транспорти (темир йўл)	умумий фойдаланишдаги транспорт турларидан бири бўлиб, у ишлаб чиқариш ва ижтимоий йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ўз таркибига олган, бошқа давлатларнинг темир йўллари ва транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро ҳамкорликда ташиш эҳтиёжларини таъминловчи ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуидан иборатдир.	is one of the types of public transport, which includes industrial and social enterprises, institutions and organizations, a single production and technological complex that meets the needs of transportation in cooperation with the railways and other modes of transport of other countries.
Шаҳарсозлик фаолияти	тегишли давлат ҳокимияти органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг фуқаролар, ижтимоий ва давлат манфаатлари, шунингдек ҳудудлар ва аҳоли пунктларининг миллий, тарихий-маданий, экологик, табиий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ҳудудларни, аҳоли пунктларини ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш, ер участкаларидан фойдаланиш, қурилиш материаллари ва буюмлар ишлаб чиқариш турларини белгилаш, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларни лойиҳалаш, қуриш ҳамда реконструкция қилиш соҳасидаги фаолияти.	urban planning of the development of territories, settlements, land use, construction materials and activities in the field of designation, construction and reconstruction of buildings, structures and other facilities.



VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар

1. Раҳмонов Қ.Р., Успанқулов Б.М. Давлат кадастрлари асослари. Ўқув қўлланма. ТИҚХММИ, Тошкент, 2018 й. - 160 б.
2. Бобожонов А.Р., Раҳмонов Қ.Р., Ғофуров А.Ж. Ер кадастри. Дарслик. Тошкент, ТИМИ, 2015 й. - 208 б.
4. Henssen, I.P. Williamson. Land registration, cadastre and it's interaction - a world perspective. Стокгольм, - 2015.
5. Хаксхольд Вильям. Введение в городские географические информационные системы – перевод с английского – New York Oxford – Oxford University Press. - 2016.
6. Чертовицкий А.С., Базаров А.К. Система землепользования Узбекистана. Тошкент, Фан – 2013.
7. Чертовицкий А.С., Свайнов А.А. Земельный кадастр. Учебное пособие. Ташкент, ТМИИ, 2013 г. - 296 стр.
8. Раҳмонов Қ. Innovative Approach To The Improvement Of Land Cadastral Information Supply. International Journal of Scientific Research And Education. 2019 й, 8122-8127 б.
9. Раҳмонов Қ. Ер кадастри ахборот таъминоти (назария, услубиёт, амалиёт). Монография. Т., 2017 й. 144 б.

Интернет ресурслар

- www.ygk.uz - Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси
- www.gki.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси
- <http://www.iiasa.ac.at> – Modeling Land-Use and Land-Cover Changes
- <http://www.c-x.com> – Land and Real Estate Appraising
- www.tikhvin.org
- www.ygk.uz - Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси
- www.gki.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси
- www.kadastr.uz – Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастрлари бошқармаси расмий вебсайти
- <https://kadastr.ru> - Федеральная кадастровая палата (ФГБУ «ФКП Росреестра») – подведомственное учреждение Росреестра (Россия)
- www.geofaq.ru материаллари,
- www.dataplus.ru материаллари
- www.Lex.uz



Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш мухандислари институти ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази “Ер кадастри ва ердан фойдаланиш” йўналишининг “Давлат кадастрларини юритишда инновацион технологиялар” модули бўйича ўқув – услубий мажмуага

ТАҚРИЗ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш мухандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3702-сонли Қароридан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилга ривожлантириш концепциясида кўрсатилган устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Республикада таълим тизимида ўтказилаётган ислохотларнинг янги босқичида Давлат кадастрларини юритишда инновацион технологияларини замонавий техник воситалар ёрдамида мутахассисларни шу соҳа бўйича юқори даражада билим ва кўникмаларга эга бўлишларини талаб қилади.

Мазкур ЎУМда тингловчиларга қўйилган талаблар, фаннинг мазмуни ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб беради. Ихтисослик фанлари мана шу мутахассислик мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб беради.

Ушбу ЎУМ ўқув режалари амалдаги стандартлар ва ўқув режаларидан фарқ қилиб, улардаги камчиликлар бартараф этилган ва кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга мўлжалланган замонавий илғор педагогик технологияларни самарали қўлланилиши кўзда тутилган. Таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режасида фанларнинг кетма кетлиги ва узвийлигига эътибор берилган ҳамда соҳанинг ўзига хос хусусиятларни инобатга олинган.

Шунингдек, ушбу ишлаб чиқилган ЎУМ ва ўқув режасида Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази етакчи мутахассислари ҳамда турдош ОТМларининг таклиф ва тавсияларини эътиборга олинган.

Кўрилатган модул бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режасида келтирилган мутахассислик фанлари ўринли киритилган. Мазкур ЎУМ Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидалари талабларини тўлиқ қониқтиради деб ҳисоблайман ва уни тасдиқлашга тавсия этаман.

ТИҚХММИ “Геодезия ва геоинформатика”
кафедраси доценти, т.ф.н.



(Handwritten signature)

И.М.Мусаев